КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 121 (9.618) 2001 йил 17 октябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

# ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

**Юртимизда тинчлик, осойишталик барқарор. Тинчлик бўлган жойда эса фаровонлик, тўкин-сочинлик, келажакка ишонч устувордир.**

**Лекин мана бир ойдирки, АҚШнинг Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида 11 сентябрь куни содир этилган террористик ҳаракатлар бутун жаҳон аҳлини ларзага солиб, кишилар оромини ўғирлади, уларни сергак ва ҳушёр бўлишга, буюк неъмат саналмиш тинчликни кўз қорачиғидай асрашга даъват этди.**

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, туман ва маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари, «Маҳалла», «Соғлом авлод» жамғармалари, маҳалла оқсоқоллари, олима, шоира, уй бекалари, талабалар иштирокида «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамият ва «Ўрда» гузарида «Тинчлик учун ҳаммамиз масъулмиз» мавзуида ўтказилган мулоқотда жамиятимизда энг катта куч ҳисобланмиш аёлларнинг, оналарнинг дил сўзлари янгради. Улар «аср вабоси» ҳисобланмиш терроризмга қарши кураш ҳозирги кундаги энг долзарб вазифа эканлиги ва унга қарши бутун жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар биргаликда курашиши лозимлиги, шундагина юртимиз тинчлиги ва осойишталигига ҳеч ким дахл қилолмаслиги, Юртбошимиз қўшни давлатда тинчлик бўлса, биз ҳам бехавотир яшаймиз, деганларида юз бора ҳақ эканликларини таъкидладилар.**

— Мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистон теварагидаги воқеалар бўйича, терроризмни таг-томири билан қуритиб ташлашга қаратилган сиёсати, — деди йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова, — нафақат жонажон Ўзбекистонимизда, балки ундан анча олисларда ҳам холис ниятли сиёсатдон ва жамоат арбоблари томонидан кенг маъқулланмоқда. Биз оналар халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш борасида кўрилаётган чораларни қадрлаб, фарзандларимиз билан, бутун эл-юрт ҳамжиҳатликда ўз уйимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, кўчаларимизда ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, турли ваҳима ва шов-шувларга барҳам беришимиз лозим.

— Мен онаман, — дейди Акмал Икромов тумани, Ўткир маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилафрўз Илёсова, — фарзандларим камоли ва бахтини кўришни, юртимиз ҳамиша тинч ва осойишта бўлишини истайман. Минглаб бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлаётган, касб-кори, мақсади одам ўлдириш, қон тўкишга қаратилган террорчиларнинг тезроқ яксон бўлишларини, уларни ўз уяларида куллари кўкка совурилишини тилайман.

## ҲУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

— Биз оиламиз билан террорчиларнинг ёвуз башаралари, жирканч ишларидан кулфат чекканлардanмиз, — дейди шифокор Адиба Хўжаева. — Юртимизда содир этилган мудҳиш 16 февраль воқеасида укам, навқирон, қўли енгил жарроҳ Муҳаммад Хўжаев ҳалок бўлган. Юракларимиздаги алам ва қайғуни, кекса онамнинг оҳу-ноласи, фарзанд доғи, аламли изтиробларини ҳеч кимга сўз билан тушунтириб бера олмайман. Террорчиларнинг дини ҳам, миллати ҳам йўқ, улар ислом динини ниқоб қилиб олганлар холос. Қани айтингчи, мард ва жасур, ёш, навқирон фарзандларининг бевақт хазон бўлган умрига, жонига юрак-бағри хун бўлиб фарёд ураётган оналарнинг кўз ёшларига қайси инсон чидаб тура олади?! Қанча умрлар хазон бўлди, бегуноҳ инсонлар қони тўкилди. Мен барча оналар тилидан айтмоқчи эдим, тинчлигимизнинг суянган тоғлари оналар, ҳар хил миш-миш, иғво гапларга чалғимайлик, фарзандларимиз, оиламиз атрофида ақл ва идрок билан иш олиб борайлик, доно Юртбошимиз олиб бораётган одилона йўлда ҳамкор ва ҳамфикр бўлайлик.

— Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг, — деди ўз сўзида Чилонзор тумани, Наққошлик маҳалла раиси Тамара Бочкарёва, — АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан билдирган Баёнотидаги фикрларни тўла маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ахир «Қўшнинг тинч — сен тинч» деб бекорга айтилмаган.

— Шукрлар бўлсинки, диёримизда тинчлик, осойишталик, — деди йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова. — Лекин остонамизда, қўшни Афғонистонда бўлаётган воқеалар эса барчамизни огоҳ ва сергак бўлишга, ақл билан, онг билан иш юритишга чақиради.

Тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъмати. Уни асраб-авайлаш эса мана шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, яъни ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи лозим. Ҳар хил уйдирма, миш-мишларга берилмасдан, ўз уйимиз, ўз маҳалламиз, шаҳримизда осойишталик сақланиши учун ҳаракат қилмоғимиз, фарзандларимиз камолини, келажагини ўйлаб иш юритмоғимиз лозим.

Ҳалима Шоакбарова, Маълума Самиғова, Шоира Зокирова, Маҳмуда Пўлатова, Матлуба Умарова каби эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фидойи аёл ишчилар сўзга чиқиб, одамзод бошига бало-қазодек ёпирилиб, тинчликсевар инсониятни ларзага солган халқаро терроризм деган офат таг-томири билан қуритилиши лозимлигини, фақат шундагина дунёда тинчлик барқарор бўлишини таъкидладилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**





**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА**

# САНЪАТ КОШОНАСИ

Пойтахтимизнинг Абай кўчасида қад ростлаётган Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат Консерваторияси биноси қурилиши айни кунларда қизғин давом этмоқда. Қурилишнинг бош пудратчиларидан бири ҳисобланган «Туронмарказқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг бунёдкорлари иншоотнинг пардозлаш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда.

**СУРАТЛАРДА: ички пардозлаш ишлари кўнгилдагидек бормоқда; сувоқчи-бўёқчилар М. Афанасьева ва А. Холиқовалар бор маҳоратларини кўрсатишмоқда; иншоотнинг фойдаланишга топширилишига кўп вақт қолгани йўқ.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**





## ҚИСҚА сатрларда

❐ ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан пойтахтимизда бўлиб ўтган мамлакатимиз урологларининг 2-съездида беморларни даволашнинг замонавий усуллари, айниқса хасталикни жарроҳликсиз муолажа қилиш ҳақида сўз борди.

❐ МИРЗО Улуғбек туманидаги 279-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар иштирокида ўтказилган тадбир Оналар ва болалар йилига бағишланди.

❐ БУГУН шаҳримиздаги «Тошмаргёғ» ҳиссадорлик жамиятида Ҳамза туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан бўлиб ўтган семинар «Ислом фундаментализми ва унинг салбий оқибатлари» деб номланди. КЕЧА эса мазкур тумандаги «Подъёмник» ҳиссадорлик жамиятида «Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши» мавзуида тадбир ўтказилди.

❐ ЭРТАГА Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласида туман Маънавият ва маърифат маркази ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида маҳалла фаолларию ёшлари иштирокида «Ғоявий эътиқод тарбияси» мавзуида давра суҳбати ўтказилади.

❐ БЕКТЕМИР туман ҳокимлигида тумандаги корхона ва ташкилотлар, мактаблар раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари ҳамда хотин-қизлар комиссияларининг раислари иштирокида Маънавият ва маърифат марказининг йиғилиши бўлиб ўтди. БУГУН эса Бектемир туман ҳокимлигида «Соғлом авлод» жамғармасининг туман бўлими раҳбарлари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, туман соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари иштирокида туман хотин-қизлар қўмитасининг 9 ойлик иш якунларига бағишланган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

❐ БУГУН Сергели туманидаги 304-мактабда ҳам ўқувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Оналар ва болалар йилига бағишланди. КЕЧА Сергели туманидаги «Йўлдош» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида фуқаролар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан маҳаллада яшовчи авф этилган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

❐ ЭРТАГА Мирobod туманидаги ОТАЖ «Халқаро Почтамт»да туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтадиган тадбир «Ишбилармонлик ахлоқи» деб номланади.

❐ ШАҲРИМИЗДА Жанубий кореялик ошпазлар ёрдамида хўрандалар учун европача таомлар тайёрлайдиган қаҳвахона фаолият бошлади.

# Биз тинчлик истаймиз

**Азимжон РИХСИЕВ,**
**Тошкентдаги 1-босмахона директори:**

— Бугун барчамиз XXI аср вабоси бўлган терроризмга қарши олиб борилаётган ҳаракатларни Афғонистон давлатига, жафокаш афғон халқига эмас, балки ушбу мамлакат ҳудудини макон қилган ашаддий террорчиларга, уларнинг марказларига қаратилганлигини англаб турибмиз.

Террорчиларнинг Америка давлатида 11 сентябрь куни амалга оширган қабиҳ ҳаракатлари, у ерда содир этилган мислсиз фожиа терроризмнинг ҳақиқий офат эканлигини яна бир бор исботлаб, тинчликсевар халқларнинг ғазабини қўзғатди ва уларнинг бирдамликда ҳаракат қилиши лозимлигини кўрсатди.

Албатта, тинчлик бу тараққиёт омили, тинчлик бўлса ҳар қандай ишни бемалол амалга оширса бўлади. Шу боис ҳам тинчликни сақлаб қолиш барчанинг муқаддас бурчи эканлигини бугунги кунда дилдан ҳис этган жамоамиз аҳли ҳам Президентимизнинг Баёноти ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатини қизғин маъқулламоқдалар. Айниқса, Юртбошимизнинг «Энг муҳими, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз» деган сўзлари дилимиздаги гаплар бўлди.

Чинданам барча тинчликсевар кучлар бирлашса тинчлигимизга таҳдид солаётган, ўзларининг қабиҳ ниятлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган одам қиёфасидаги махлуқларнинг, жирканч кимсаларнинг пайи қирқилиши аниқ.

**Убайдулла МУҲАМЕДОВ,**
**«SUVMASH» насослар, электр машиналари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси:**

— Бугун терроризмнинг асл мақсади барчамизга бирдек аён бўлди ва бу қабиҳ ниятли гуруҳларни чил-парчин этиш учун жаҳондаги инсонпарвар кучлар бирлашиб, унга қарши аёвсиз кураш қилишга бел боғладилар. Дарҳақиқат, шундай бўлиши керак ҳам эди. Чунки бу манфур тўдаларнинг аъзолари кундан-кунга кўпайиб, дунёдаги тараққий этиб келаётган тинч мамлакатларда нотинчликни юзага келтириб, иқтисодий, маънавий зарар етказиб келмоқда эди. Шу кунга қадар улар томонидан дунё мамлакатларига етказган зарарлар беҳисоб...

Шундай экан, терроризм йўлига ишончли ғов қўйиладиган фурсат етди. Қузғунлар ўз қилмишлари учун адолат олдида жавоб бериши аниқ. Бугун тараққийпарвар инсоният шуни истаяпти, шуни кутяпти.

**ЭКОЛОГИЯ**

# Ҳашар — элга ярашар

20 октябрда республикада экология ҳашарини ўтказиш мўлжалланган бўлиб, унинг ташкил этилиши доирасида Тошкент шаҳрида «Экосан» боғи бунёд этилади. Ушбу ҳашарда ободонлаштириш ишларида дипломатлар, фан, маданият, спорт ва жамият арбоблари иштирок этади.

Мазкур экология ҳашарининг ўтказилиши тасодифий ҳол эмас. Ўлкамизга олтин куз кириб келди, ҳамма жойни дарахтлардан тўкилаётган барглар қопламоқда. Бироқ айрим ҳамшаҳарларимиз, ҳатто пойтахтни санитария жиҳатидан тозалаш хизмати ходимлари ҳам бунинг шу атрофда истиқомат қилувчиларнинг соғлиқлари учун қанчалик зарарли эканлигини «унутган» ҳолда қуриган баргларни тўплаб ёқиб юбормоқдалар. Шу сабабдан «Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими пойтахтдаги барча корхоналар, турар жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ҳовлилари ва маҳаллаларда тўкилган баргларни ёқмаган ҳолда кўмиш учун махсус ўралар қазишга чақиради. Бу нафақат атроф-муҳитнинг соф-соғлом бўлиши, балки ўзимизнинг саломатлигимизни сақлаш учун ҳам муҳим омилдир.

**Ўз мухбиримиз**

**ФУТБОЛ**

# САЛЬКОВ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Маълумки, 2002-йилги жаҳон чемпионатининг иккинчи саралаш босқичи «В» гуруҳида тўп сураётган терма жамоамиз футболчилари охирги тўрт учрашувдан учтасида мағлубият аламини тотиб, ҳар тўрт йилда бир бор ўтказиладиган энг нуфузли мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди.

Ўзбекистон терма жамоаси қароргоҳида Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти, терма жамоа бош мураббийси ҳамда спорт журналистлари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам жамоамизнинг саралаш турниридаги муваффақиятсиз иштирокининг сабаблари муҳокама қилинди.

Анжуманда сўз олган бош мураббий Владимир Сальков унга республика футбол федерацияси томонидан барча керакли шарт-шароитлар яратиб берилган бўлса-да, селекция ишлари билан лозим даражада шуғулланмаганлиги, таркибларни нотўғри танлаганлиги каби айбларни ўз бўйнига олиб, саралаш босқичидан ўта олинмаганида футболчиларнинг ҳеч қандай айблари йўқлигини таъкидлаб ўтди.

Шу тариқа бош мураббий Владимир Сальков ўз вазифасидан озод қилиниб, Леонид Остроушко вақтинча терма жамоанинг бош устози вазифасини бажаришга киришди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# САФАРДАГИ ҒАЛАБА

**КЕЧА ўтказилган мамлакат X-миллий чемпионатининг 30-тур учрашувлари «Пахтакор» жамоасига яна омад келтирди.**

Сафарда «Кимёгар» жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчилар ўз ишқибозларига бир олам қувонч улашиб 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишга муваффақ бўлишди.

Пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоа «Трактор» эса ўз майдонида совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси билан куч синашди. Ушбу ўйинда гарчи дарвозаларга тўртта гол киритилган бўлса-да ғалаба қозониш ҳеч қайси жамоага насиб этмади. Учрашув 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг натижа билан тугади.

**БУГУН эса шаҳримизнинг яна бир жамоаси «Академия» «Сурхон» билан ўз майдонида куч синашади.**

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Зарафшон» — «Навбаҳор» 2:2, «Турон» — «Семурғ» 6:1, «Дўстлик» — «Металлург» 0:1, «Самарқанд-Динамо» — «Қизилқум» 0:2, «Сўғдиёна» — «Бухоро» 1:0.

Навбатдаги 31-тур учрашувлари 23 октябрда бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 275 минг тонналик юксак хирмон яратиб давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини бажарганлиги муносабати билан Тошкент вилояти пахтакорлари, барча меҳнаткашларига самимий табрик йўллади.

● Жаҳон савдо маркази вайроналари остида, ёши ва миллати ҳамда эътиқоди турфа бўлган минглаб ҳалок бўлганлар орасида мамлакатимиз вакиллари — 1975 йилда туғилган, Нью-Йоркдаги Америка — испан институтида хусусий йўл билан таҳсил олаётган ва бир вақтда ушбу бинода кафе кассачиси бўлиб ишлаётган Гавҳарой Қамардинова ва Жаҳон савдо марказида жойлашган фирмалардан бирида сифат масалалари бўйича менежер вазифасида меҳнат қилаётган Ирина Колпаковаларнинг борлиги нафақат бизнинг, балки АҚШнинг барча фуқаролари кўнглида ҳам дард ва алам туйғусини уйғотди. Шу муносабат билан 12 октябрь куни АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига 11 сентябрдаги террористик хуруж муносабати билан билдирган самимий ҳамдардлигидан миннатдорлиги ва ушбу даҳшатли хуружда Ўзбекистондан ҳам одамлар ҳалок бўлганлиги муносабати билан ҳамдардлик мактубини йўллади.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

● Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мактабгача таълимга доир қисмларининг Тошкент шаҳрида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

● **Кеча** «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Цемент саноати ва бозор» мавзуига бағишланган халқаро анжуман ўз ишини бошлади. Икки кун давом этадиган мазкур анжуманда Австрия, Германия, Словакия, Франция, АҚШ, Буюк Британия, Чехия ҳамда Ҳамдўстлик давлатларидан келган мутахассислар иштирок этишмоқда.

● Қарши тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб шартномавий режани бажардилар.

● Ички ишлар вазирлиги академиясида «Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг маънавий-ахлоқий асослари» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида АҚШнинг Марказий Осиёга беғараз ёрдам (CAFE) ташкилоти билан ҳамкорликда болалар кутубхонаси очилди.

● Навоий шаҳрида кичик корхоналар сони яна биттага кўпайди. Бир суткада 10 тоннагача сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Карманасут» заводи ишга туширилди.

● ЮСАИД ва «Прагма» корпорацияси Марказий Осиёда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш лойиҳаси бўйича ўтказган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» ва «Йилнинг энг яхши маҳаллий таълим ташкилоти» танловлари ниҳоясига етди. Миллий матбуот марказида ушбу танловларнинг натижалари эълон қилинди.

● «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан маданиятимиз тарихида илк бор «Авесто» китоби мукаммал суратда нашр этилди. 50 дан зиёд босма табоқдан иборат бу тарихий-адабий обида бугунги кунгача ер юзида сақланиб қолган «Авесто» матнларини тугал ўз ичига олади.

● Умидли теннисчимиз Ирода Тўлаганова Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтказилаётган Аёллар теннис ассоциациясининг биринчи тоифали мусобақасида муваффақиятли иштирок этмоқда. Ҳамюртимиз мукофот жамғармаси 1 миллион 185 минг АҚШ долларини ташкил этган ушбу нуфузли турнирдаги дастлабки учрашувини россиялик таниқли теннисчи Лина Красноруцкаяга қарши ўтказди. Учрашув 6:4, 6:1 ҳисобида Ирода Тўлаганова фойдасига ҳал бўлди.

## Жаҳонда

● **Кеча** «Fox-Nens» телекомпанияси АҚШ махсус хизмати ходимларининг Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрига киритилганлиги ва улар террорчиларга қарши қуруқликдаги амалиётларини бошлаб юборганлиги ҳақидаги хабарни тарқатди.

● **Кеча** АҚШ Давлат котиби Колин Пауэл Покистон Президенти Парвез Мушарраф билан мулоқот ўтказиб Деҳлига йўл олди. Маълум бўлишича, Покистон раҳбари Афғонистонда тузилажак янги ҳукумат таркибига Шимолий Альянс вакилларини киритиш борасидаги Америка режасига розилик билдирган.

● Рейтер ахборот агентлигининг хабар қилишича **кеча** эрталаб Шимолий Альянс қўшинлари Мозори-Шарифга ёриб киришга муваффақ бўлишган.

● АҚШ Усама бин Лодин ҳамда «Толибон» ҳаракатига тегишли 300 миллион АҚШ долларига тенг банк ҳисоб рақамларини аниқлашга эришди.

● **Кеча** АҚШда яна икки нафар кишида куйдирги касаллиги аломатлари аниқланган ва улар шифохонага ётқизилган.

● Россия федерал қидирув бюроси Ички ишлар ҳамда Мудофаа вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган операция натижасида Гудермес туманида Масхадов ҳукумати вазирларидан бири Али Димаев ўлдирилди. «Эхо Москви» радиостанцияси шу ҳақда хабар берди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес 21 октябрь куни Россияга ташриф буюради. Хабарларга кўра Президент Жазоир, Эрон, Ливия ва Саудия Арабистонида ҳам бўлади.

● 20-21 октябрь кунлари Шанхайда Осиё — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади.

● Тайван оролига соатига 11 километр тезлик билан Хайян тўфони яқинлашиб келмоқда. Тахминларга кўра, тўфон Хэнчун ва Пинтун туманларига катта зарар етказиши мумкин.

● Исроил аскарлари ҳамда аҳолиси фойдаланадиган Урдун дарёсининг Ғарбий қирғоғидаги йўлга ХАМАС ҳаракатининг етакчи жангариларидан бири Мустафо Раважби портловчи қурилма ўрнатаётган вақтида юз берган портлаш туфайли ҳалок бўлди. Расмий Қуддус эса ўз армиясини Хеврондан олиб чиқа бошлади.

# ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва «Тошшаҳармаишийхизмат» уюшмасининг саҳифаси

**Шаҳримизнинг қоқ маркази— Амир Темур хиёбонининг ўнг томонида қад ростлаб турган, замон талабларига тўла жавоб берадиган даражада бутунлай қайта таъмирланган «Истаравшан» ошхона-корхонаси ҳамшаҳарларимизга яхши таниш. Чунки бу корхона хизматидаң баҳраманд бўлмаган, ҳеч бўлмаса унинг муҳташам залларида ўтириб бир пиёла чой ичиб, мусиқа тингламаган ёки ёз жазирамасида муздеккина музқаймоқ тотмаган хўранда кам топилса керак. Бу ерга кирган мижозлар борки, биринчи навбатда ошхонадаги хизматдан хурсанд бўлишади. Биз ушбу корхонанинг мана шу ва бошқа ижобий томонларини ҳисобга олиб, унинг раҳбари Мурод Маҳсудов билан суҳбатда бўлдик.**

— Хўрандаларга илгари «Буратино» номи билан таниш бўлган бу ошхона узоқ йиллардан бери мижозларига баҳоли қудрат хизмат кўрсатиб келади. Турли йилларда ошхона турлича таъмирланиб, жиҳозланди.

Бугун замон ўзгарди. Шунга яраша талаб ҳам ортиб бормоқда. Мустақил юртимизда ўн йил ичида осмонўпар бинолар, кенг ва равон кўчалар, муҳташам саройлар, маҳобатли

## Истаравшан — кўнгиллар равшан




кўприклар қурилди. Биргина корхонамиз билан ёнма-ён жойлашган Амир Темур хиёбони ва унинг атрофидаги ўзгаришларни айтинг. Темурийлар тарихи давлат музейи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, олий малакали ҳуқуқшунослар тайёрловчи университет, саноатқурилиш банки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бинолари бугун кимнинг ҳам диққатини ўзига тортмайди дейсиз. Атрофимиздаги бу янгиланиш ва ўзгаришлар биздан ҳам ўз-ўзидан корхонамизни шунга хос ва мос тарзда таъмирлашни талаб этар эди.

Бу хайрли ишни кечиктириш ва эртага суриш мумкин эмаслигини ҳис этиб зудлик билан ишни бошлаб юбордик. Бу йўлда бизга «Тошуйжойқурилишлойиҳа» институти мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Улар корхонамизни қайта таъмирлаш лойиҳасини тайёрлашди. Қурилиш-созлаш юмушларини иш жараёнини тўхтатмасдан олиб боришга тўғри келди. Қурилишга ўзимизнинг усталар билан бир қаторда Самарқанд, Хоразм ва бошқа вилоятлардан келган мутахассисларни ҳам жалб этдик. Ҳозир кўриб турганингиздек барча юмушлар ниҳоясига етган. Биринчи қаватда юз ўринли марказий қаҳвахона, бругер зали (у ерда туркиялик ишбилармонлар ишлашади), суратга тушириш салони ва озиқ-овқат дўкони ишлаб турибди. Иккинчи қаватда эса 120 ўринли ёзги ресторан, 50 ўринли зиёфатлар зали жойлашган. Корхонанинг номини ҳам замонавийлаштириб «Истаравшан» деб атаганмиз.

**— Албатта, бундай ишлар ўз-ўзидан амалга ошмаслиги табиий. Устига устак корхонанинг фаолиятини тўхтатмасдан туриб қурилиш қилиш янада ўзига хос қийинчиликларни туғдиради. Бунинг учун ишни босқичма-босқич олиб боришга тўғри келган бўлса керак?**

— Худди шундай. Ҳам қурилиш, ҳам ходимларни стандартга тортиш, ҳам технологияни бутлаш бирйўла олиб бориладиган жараён эмас. Қолаверса бу ишлар катта маблағни талаб этади. Шуни назарда тутиб, ишни босқичма-босқич олиб бордик. Биринчи навбатда қурилиш-таъмирлаш ишларини тугаллашни режалаштирдик. Кейин ходимларимизни стандарт талабларига мослаштиришга киришдик. Сўнгги босқичда эса технологияни янгилаш ва бутлаш ишларини бажардик.

**—Мурод Ҳамидович, «Истаравшан» корхонаси мижозларга хизмат кўрсатиш даражаси жиҳатидан унча-мунча номдор корхоналардан қолишмайди. Буни корхонанинг ички ва ташқи кўринишидан, ходимларнинг тез ва чаққон ҳаракатларию ширинсуханлигидан, мижозларнинг кайфиятларидан ҳам билса бўлади.**

— Хизмат маданияти ҳақида гап борганда аввало шуни айтиш керакки, бизнинг соҳада биринчи навбатда хушмуомалалик муҳим роль ўйнайди. Умуман савдода ҳар бир мижознинг қалбига тўғри йўл топа билиш керак. Савдо ходимидан талаб қилинадиган нарса ҳам шу. Иккинчидан, озодагарчиликка эътиборни қаратиш керак. Маълум даражада бу ҳам кишилар кайфиятига ўз таъсирини ўтказади.

Энди бир фараз қилинг. Озода, тартибли, дид билан безатилган хонага кириб борсангиз ўз-ўзидан қулф-дилингиз очилиб кетади, акс ҳолда эса кўнглингиз хира тортади. Ошхона ҳам ана шундай. Хизмат маданиятига таъсир этадиган яна баъзи бир кўзга кўринмас томонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, биз юқорида тилга олган жиҳатлар мукаммал корхонада нарх-наво ўта қиммат ёки тайёрланган маҳсулотлар сифатсиз, дидсиз бўлса бу ҳам хўрандага ўз салбий таъсирини ўтказади. Албатта белгиланган нархларни ҳамёнингиз кўтармагандан кейин ходимларнинг ҳар қанча ширинсуханлиги қулоққа танбур чертган билан баравардa. Биз санаб ўтган талабларга комплекс равишда эришилгандагина хизмат маданияти олий даражада йўлга қўйилган бўлади.

**— Мутахассис сифатида айтингчи, нега кўпгина корхоналар, хусусан ошхоналар дастлаб ўз фаолиятини бошлаганда гавжум бўлади. Даромад ҳам шунга яраша. Бироқ орадан уч-тўрт ой ўтмай бу жойдан файз кетиб, одамлар оёғи узилади, хўрандалар камаяди. Бу ҳам хизмат маданиятига боғлиқми ёки унинг бошқа томонлари ҳам борми?**

— Албатта. Лекин бир нарсани эсдан чиқармаслик керак. Бугунги мижозни алдаб бўлмайди. У кечаги таом билан бугунги таом ўртасидаги фарқли тафовутни, сифатни жуда яхши тушунади. Бундай кўзбўямачилик билан харидорни ўзига жалб қилиб, эртасига путурдан кетиб, синиб қолаётган савдо нуқталари кам эмас. Бундай кўргиликдан қутулиш учун белгиланган меъёрни бир даражада ушлаб туриш, режали иш тутиш лозим. Мана шундагина кундалик ўсиш бўлади. Корхона ҳам, мижоз ҳам мамнун бўлади.

**— Қадим-қадимдан бизда «Янгамнинг овқатини мазали қилган поччамнинг масаллиғи» деган нақл бор. Бу мақолнинг соҳа ходимларига яқинлиги шундаки, баъзи бир ошпазлар яхши масалликдан ҳам кўнгилга маъқул келадиган овқат тайёрлай олишмайди. Бу нима, ошпазнинг нўноқлигими ёки ишга масъулиятсизлигиданми?**

— Ҳам униси, ҳам буниси. Умуман ошпазда гап кўп. Ўз тажрибамдан бир мисол келтирай. Мен бош ошпазимиз Маҳмуд ака Маткаримов билан Киевда танишганман. Кечки пайт у ердаги ресторанлардан бирига кирдик. Хизматчилар бизга ўзбекча таомларни таклиф этишди. Қизиқиб қолдим. «Нега айнан ўзбекча таомларни тавсия қилаяпсизлар», — деб сўрасам улар бу таомларни ўзбекистонлик ошпаз Маҳмуд ака тайёрлашини айтишди. Қаторасига уч кун шу ресторанга кириб овқатландим. Таъми ҳам, сифати ҳам яхши. Кейин Маҳмуд ака билан учрашиб суҳбатлашдим. Уни Тошкентга таклиф этдим. Ошпаз ўйлашиб кейин жавоб беражаклигини айтди. Кўп ўтмай Маҳмуд ака таклифимга розилигини билдирди. Тошкентга қайтди. Ўшандан бери қўли ширин бу ошпаз бизда ишлайди. Ошхонамизнинг гавжумлигида албатта, унинг ҳам ҳиссаси катта.

Яна бир гап. Биз мунтазам хўрандалар фикри, таклиф ва истакларини ўрганиб борамиз. Уларнинг талабларидан келиб чиқиб таом тайёрлаймиз. Бир сўз билан айтадиган бўлсак савдо ходимларининг нияти элга фақат намунали хизмат қилиш. Буни фақат тил билан эмас, балки дил билан ҳис қилгандагина хўрандаларга намунали маданий хизмат қилган бўламиз.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

# Излаган имкон топади

**Бектемир шаҳримизнинг энг чекка туманларидан бири. Унинг ер майдони 2050 гектарни ташкил этади. Бу ерда турли миллатга мансуб минг-минглаб аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда туман аҳолисига 156 та савдо дўкони, бир қатор маиший хизмат хоналари ва учта бозор хизмат кўрсатмоқда. Албатта ушбу рақамларнинг ўзиёқ туманда мижозлар талабига тўла жавоб бергудек шароит борлигини кўрсатиб турибди. Лекин бизни қизиқтирган асосий масала, ушбу савдо нуқталарида хизмат кўрсатиш даражаси қандай? Хусусан дўконларда кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган саккиз турдаги маҳсулотлар етарлими? Аҳоли дўконлар хизматидан мамнунми? Мана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Бектемир тумани ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Шокирбек Музрабеков иштирокида баъзи бир савдо нуқталарини кўздан кечирдик.**

Сафаримизни «С ва Д» масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўконлар фаолияти билан танишишдан бошладик. Илҳом Мирзаёқубов раҳбарлик қилаётган ушбу жамият дўконларида биринчи навбатда эътиборимизни бу ердаги тартиб-интизом, озодагарчилик ўзига қаратди. Жамиятнинг 1 ва 2-сонли дўконлари пештахталарига батартиб териб қўйилган маҳсулотлар орасида ҳамма нарса муҳайё. Биргина ёғнинг ўзидан бир неча тури мавжуд. Пахта ёғи, писта ёғи, зиғир ёғи. Бу саноқни яна давом эттириш мумкин. Маҳсулотлар ёрлиқларига ёзиб қўйилган нарх-наволар ҳам ўртача. Ҳарқалай бошқа дўконларда бўлгани каби мижозни танг қолдирадиган даражада эмас.

Бугунги кунда харидорлар учун танқис бўлиб қолган шакар маҳсулотлари ҳам ушбу дўконда бисёр эканлигини кўриб сабабини сўраймиз.

— Излаган имкон топади. Ҳозир йўқ экан деб қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас. Фақат масъулиятни ҳис этиб елиб-югуриш керак, деб жавоб берди саволимизга жамият бошлиғи.

Ушбу жамият билан ёнма-ён жойлашган «Нигора-Дилдора» дўкони ҳам «қўшнисидан» қолишмайди. Лекин шундай бўлсада биринчи қадам ва бир қарашда дўкондаги барча икир-чикирларни илғаб олиб бўлмайди, деган мақсадда бу ерга ҳар куни кириб чиқадиган харидорларни саволга тутдик.

— Ўзим шу яқин ўртада тураман. Кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни шу дўкондан харид қиламан. Ишқилиб, кўз тегмасин дўконимизда ҳамма нарса бисёр, — дейди уй бекаси Соҳиба Мавлонова.

—Сотувчиларнинг хушмуомалалигини айтинг, — дея суҳбатга қўшилди меҳнат фахрийси Миродил Мансуров, — бирор нарса сўрасангиз ширинсуханлик билан жавоб беришади. Дўкон ҳамиша тоза, озода. Кирган кишининг кўнгли яйрайди.

Биз бундай ҳолни «Ферузабону» дўконида ҳам учратдик.

Лекин афсуски, «Арслон -Элдор» савдо корхонасида эса бошқача манзарага дуч келдик. Холбек Авазов бош бўлган бу савдо нуқтасида маҳсулотларнинг тури ўта кам эди. Ҳатто пештахталарда бўлиши шарт қилиб белгиланган саккиз турдаги маҳсулотлардан ҳам анча -мунчаси кўринмайди.

«Гулноза-Дилноза» дўконида пештахталарга териб қўйилган маҳсулотларнинг кўпчилигида ёрлиқлар йўқ.

— Нега шундай? — сўраймиз сотувчидан.

— Бор эди, шамол учириб ерга тушириб юборибди шекилли.

Баҳонани қаранг.

«Кредо-савдо» дўконида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Музлатгичга териб қўйилган турли-туман колбаса маҳсулотларининг биронтасида ёрлиқлар кўринмайди. Бунинг устига дўконнинг санитар ҳолати ҳам талабга жавоб бермайди.

«Мурод-Меҳри» савдо корхонаси анча батартиб. Маҳсулотлар ҳам етарли. Лекин пештахтада аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотлардан икки турини — шакар ва ёғ маҳсулотини учратмадик. Сотувчининг айтишига қараганда мудир Нурилла Абдуллаев айнан ана шу маҳсулотларни олиб келиш учун базага кетган экан.

Жамила Турдиматова раҳбарлик қилаётган «Сардор-Соҳиба» дўконига кириб худди қоронғуликдан ёруғликка чиқиб қолгандек ҳис этдик ўзимизни. Кенг ва равон дўкон зали озода. Тўрт бурчакда анвойи гуллар яшнаб турибди. Бир хилда оппоқ халат кийиб олган сотувчилар ўз бўлимларида сергак. Улар эшикдан кириб келган биронта харидорни назардан қочиришмайди. Унга истаган нарсасини муҳайё этишга ҳаракат қилишади.

— Жамила опа энг яхши, энг тажрибали савдо ходимларимиздан, — дея мудирани бизга таништирди туман департаменти бошлиғи Шокирбек Музрабеков.

— Дўкон ҳам бозордек бир жой, — деди Жамила опа биз билан мулоқотда. — Бу ерга бир кунда қанча-қанча турли касб эгалари кириб-чиқишади. Уларнинг ҳар бирига ўзига яраша жавоб-муомала қилиш керак. Сотувчиларимиздан бизнинг талабимиз ҳам шундай. Умуман, хизматчилар ўз бурчини сидқидилдан бажараётган корхонада харидорлар ҳамиша гавжум бўлади.

«Хури-Ҳамдам» дўконидаги бир янгилик бизни хурсанд этди. Бу ерда кўзга яққол ташланадиган жойга осиб қўйилган тахтачага йирик ҳарф ва рақамлар билан бугун савдода мавжуд бўлган маҳсулот турларининг барчаси рўйхат қилиниб, уларнинг қатъий нархлари ҳам ёзиб қўйилган. Бундай тартиб тумандаги бошқа савдо корхоналарида ҳам жорий этилса ёмон бўлмасди.

Албатта иш бор жойда камчилик бўлишини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки юқорида кўрган-билганларимиздан қатъи назар Бектемир туманида жойлашган савдо нуқталари аҳоли эҳтиёжини қондириш йўлида баҳоли қудрат ҳаракат қилишяпти. Бу уларнинг кундалик фаолияти ва саъй-ҳаракатларидан ҳам билиниб турибди.

**Мақсуд ҚОБИЛЖОНОВ**

# БАРКАМОЛ ЁШЛАР ЭРТАНГИ КУНИМИЗ

**Ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишиши йўлида тарбиялаш биринчи галда ота-оналар бурчи ва вазифаси. Бугунги кунда ёшлар масаласи кенг қамровли ва долзарб бўлиб, давлат даражасида муҳокама қилинаётгани ва ҳаётда ўз ечимини топаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ёш авлодга бўлган эътиборнинг кучайтирилиши замирида ягона бир мақсад — эртанги кунимиз умиди ва ишончи бўлмиш ёшлар баркамол инсон бўлиб етишишлари учун бугундан мустаҳкам пойдевор қуриш, яъни ўғил-қизларимизнинг барча орзу-истаклари, манфаатлари рўёбга чиқишига шароитлар яратиб бериш зарур.**

Шу мақсадларнинг изчил амалга ошишида жойларда ташкил қилинган вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Маълумки, бундан бир йил аввал — 2000 йил 21 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги Қарори қабул қилинган ва унда ёшлар, айниқса балоғатга етмаганлар орасида тарбиявий-ҳуқуқий ишларни кучайтириш, уларни ўқиш-иш билан банд қилиш, бўш вақтларини соғлом турмуш тарзига йўналтириш, ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик содир этилишининг олдини олиш, давлат ва жамоат органлари ҳамда бу борадаги ишларга масъул махсус комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш юмушлари белгилаб қўйилганди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам шу долзарб масала — ўтган давр ичида мазкур комиссия таркибига кирувчи идора, муассаса ва ташкилотлар томонидан қилинган ишлар таҳлилий равишда кенг муҳокама қилинди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг раиси Рихситилла Акромов олиб борди.

Йиғилишда маъруза қилган республика прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бўлимининг катта прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Толиб Умаров прокуратура томонидан олиб борилган текширувлар натижалари билан тўла таништириб, Тошкент шаҳар ва туман комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа мутасадди идоралар томонидан ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтди.

Жорий вақт ичида ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш мақсадида кўплаб турар жой биноларида спорт ва ҳунар тўгараклари ташкил этилган. Хусусан, 250 мингдан зиёд ўқувчи ёшлар фан, 24 мингга яқини — спорт, 210 мингдан кўп вояга етмаганлар эса бошқа турли хил тўгаракларга жалб қилинган. Бундай ижобий ишлар Чилонзор туманида айниқса, яхши йўлга қўйилган.

24-Меҳрибонлик уйида эса тарбияланувчиларни жисмоний соғломлаштириш ва маърифий тарбиясида ноанъанавий тарбия услубларидан самарали фойдаланилган ҳамда бу ерда ободонлаштириш ишлари кенг тарзда ўтказилиб, ёшларда меҳнатсеварлик хусусиятларини кучайтиришга эришилган. 50, 51, 60, 103 ва 166-мактабларда янги педагогик технологиялар моҳирона жорий этилиб, иқтидорли ўқувчилар қаторини кенгайтириш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилган.

Шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ташаббуси билан Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида фаолият кўрсатаётган «Мактаб милицияси» томонидан мактабларда мунтазам тадбирлар ўтказилаётгани ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзининг тарғиб қилинишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Йиғилишда ютуқлар билан бир қаторда ҳали қилинмаган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар устида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, 2001 йилнинг ўтган 8 ойида ўсмирлар ўртасида жиноятчилик олти фоизга камайган бўлса-да, бироқ Яккасарой, Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида бу борадаги кўрсаткичлар юқорилагани аниқланган. Айрим жойлардаги комиссиялар томонидан ўсмирлар ўртасида қонунчиликни мустаҳкамлаш, уларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишида фаоллик бўлмаган.

Шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан амалга оширган ишлари ҳақидаги ҳисобот комиссияга тақдим этилмагани, шунингдек маъмурий идоралардан жавобгарликка тортилганлар ва жазодан озод қилинганлар бўйича ҳам маълумотлар олинмагани йиғилиш мобайнида алоҳида уқтирилиб ўтилди.

Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик масалаларини ҳал этишда йўл қўйилган қонунбузарликлар аниқланган. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ота-оналаридан қолган уйларининг сотиб юборилиши ҳоллари ҳам юзага келган. Бундан ташқари, таълим муассасаларида ота-онасиз қолган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўйилган, жумладан, 80-мактабда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ажратиб ўқитилгани аниқланган.

Йиғилишда жойларда ёшлар орасида профилактика ишлари изчил йўлга қўйилмагани мисоллар билан айтиб ўтилди. Бундай аҳвол асосан Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур туманларига тегишли.

Баъзи бир мактаблар дарсликлар билан тўла таъминланмагани оқибатида ўқувчилар фанларни ўзлаштириши пасайиб кетишига сабаб бўлаётгани ҳам таъкидланди.

Текширувлар натижасида шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида ҳам салбий ҳолатлар кузатилиб, улар асосан мутахассислар етишмаслиги ҳамда айрим боғчаларда болалар меъёридан ортиқ қабул қилиниб, тарбия масаласига кам эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Камчиликлар меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимларининг болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаганлар меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасидаги фаолиятида ҳам кузатилган. Хусусан, янги иш ўринларини ташкил қилишда тадбиркорликка кўмаклашувчи жамғарма маблағларидан унумли фойдаланилмаган. Ишсиз ёшларни банд қилиш масаласи ҳам талаб даражада эмас. Ўз навбатида бундай ҳолатлар — ўспиринларнинг иш билан банд этилмаганлиги улар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётганини инкор қилиб бўлмайди.

Йиғилишда шу жумладан ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида педагогик кадрларни танлашдаги камчиликлар, ўқувчи-талабаларга етарли даражада қизиқишлари бўйича тўгараклар мавжуд эмаслиги, янги ўқув-услубий технологияларнинг қўлланилиши суст бораётгани ҳамда амалиёт ишларини унумли ташкил этиш ҳақидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар фаолиятига бағишланган йиғилишда иштирок этган Олий Мажлис ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш қўмитаси раиси Азамат Зиё кўтарилган мавзу устида ўз фикрини билдириб, бугунги кунда ёшлар ҳаётига оид қилинаётган ишлар пировард натижаси эртанги кунимиз орзу-ниятлари ушалишига бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик лозимлиги ва бу борада ўғил-қизларимиз манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг муаммоларини изчил равишда ҳал этишда комиссиялар фаолиятини янада фаоллаштириш, қолаверса жадаллаштириш даркорлиги, бунинг учун фақат ҳисобот талаб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, барча мутасадди ташкилотлар ва муассасалар билан узвий боғлиқликни вужудга келтириб, ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан вояга етмаганлар иши бўйича туман комиссиялари раислари, бошқа масъул раҳбарлар ўз ваколатлари доирасида олиб бораётган фаолиятлари хусусида тўхталиб, юзага келган камчиликларнинг олдини олиш борасидаги фикрларини билдиришди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**



*Касбим — фахрим, шарафим.*

ЛУҚМА

# Бирида қиммат, бирида арзон

**Куз мавсуми бошландими, одамлар қиш ғамида ғимирлаб қолишади. Биров ўтин-кўмир жамғариш, кимдир иссиқ кийим, яна бошқа биримиз таъмирга муҳтож қишки пойабзалимизни устага кўрсатиб мавсумга созлаб қўйиш илинжида бўламиз. Албатта кўпчилик қатори бизнинг оиламиз ҳам бундай ташвишлардан холи эмас.**

Дам олиш куни аёлимиз писанда қилиб қолдилар.

— Хой, сиз ҳам бундай одамларга ўхшаб уйдаги кам-кўстлар ҳақида бош қотирасизми ёки бoқибеғам бўлиб юраверасизми?

— Нима гап, тинчликми?

— Қишли-қировли кунлар келяпти. Оёғимда йўқ. Ҳеч бўлмаса мавсумий туфлийим ўлгурни таъмирлатиб берсангизчи. Ҳарқалай янгисини ололмаганимдан кейин ёмғир-қорда кийишга яраб турадику?

Эртасига туфлини кўтариб «Олой» бозорига йўл олдим. Сўраб-суриштириб расталарнинг бошланишидаги электр жиҳозлари ва турли уй-рўзғор буюмлари сотиладиган йўлак бошида ўтирган пойабзал таъмирловчи устага рўпара бўлдим.

— Жуда яхши, бир зумда боплаб берамиз, юмушингизни, — деди уста жилмайиб.

— Олдин хизмат ҳақини айтинг.

— От билан туя бўлармиди, ака, бир ярим минг сўм берасиз-да.

Иккита бигиз пошнанинг едирилган қисмини таъмирлаш учун оғзига сиққан нархни сўраётган устага таажжуб билан қараб қолдим.

— Хўп, айтинг, қанча берасиз, — деди у норози қиёфамни кўриб.

— 500 сўм.

— Паст кетдингиз ака, майли сизга 1200 сўм бўлақолсин.

Хуллас уста билан келишолмадик. Устига устак бироз тортишиб ҳам қолдик. Уста исми шарифини айтишдан бош тортди.

— Отимни сўраб нима қиласиз. Ўтирган жойимни айтсангиз, палончи усталигимни ҳамма билади, — деди у писанда қилиб.

Ўша куни «Чорсу» бозорига бориб пойабзал устасига учрашдим. Инсофли экан. У бу юмуш учун 300 сўм сўради.

Ана сизга. Икки устанинг бир-биридан фарқи. Шу куни кўнглимдан бир фикр ўтди. Нега энди савдо, тиббий хизмат, ҳатто трамвай-троллейбус паттачилари кўкрагига уларнинг исми шарифи ёзилган нишон осиб қўйиладию пойабзалчиларга бу татбиқ жорий этилмайди. Агар уларнинг кўкрагида ҳам шундай ёзувли нишонлар бўлганида эди, улар орасидаги баъзи бир олғирлар уялганларидан ҳам хизматларига ўртамиёна баҳо сўрашармиди?

**Маҳмуд ОРИПОВ**

ҚУЛАЙЛИК

# Сартарошхона очилди

Юнусобод туманининг Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалласи шаҳримиздаги энг илғор, энг обод маҳаллалардан саналади. Бу ерда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган барча маданий хизмат кўрсатиш нуқталари мавжуд. Хусусан маҳаллада дўкон, новвойхона, ошхона, чойхона, қироатхона, билярдхона, чархлаш устахоналари ишлаб турибди. Яқинда уларнинг ёнига яна бир хизмат тури қўшилди. Бу ерда эркаклар ва аёлларга орасталик бағишлайдиган сартарошхона ишга туширилди. Маҳалладошлар сартарошхонанинг беминнат хизматидан мамнуният билан фойдаланишмоқда.

## «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУННИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА

**1989 йилнинг 21 октябри уч минг йиллик миллий давлатчилиги тарихига эга ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий, маънавий ҳаётида унутилмас сана сифатида тарихимиз саҳифасига олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолди. Ўша куни Олий Кенгаш сессиясида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди.**

**1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингач, ўзбек тили ижтимоий ҳаётдан ўзининг қонуний ўрнини эгаллашга эришди ва барча соҳаларда кенг қўлланила бошлади. 1993 йилнинг 12 сентябрида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алфавитини жорий қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ҳозир бу Қонун муваффақият билан амалга оширилмоқда. 1995 йилнинг 29 декабрида «Давлат тили тўғрисида» (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди. Буни давр тақозо этди. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун 1989 йили қабул қилинганидан буён орада олти йилдан ортиқ вақт кечган эди. Тил қотиб қолган нарса эмас, у воқеий ҳодисадир, у ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқдир. Миллий қадриятларимиздан бўлмиш она тилимизнинг фидойи ва жонкуярлари кўп. Шулардан бири таниқли ёзувчи, драматург ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовдир. Унинг кўп йиллардан бери бадиий ва сиёсий публицистика жанрида ҳам фаол ва самарали ижод қилиб келаётгани жамоатчиликка маълумдир.**

**У маданий, маърифий, маънавий, адабий-бадиий долзарб мавзуларда, катта ижтимоий аҳамиятга эга масалаларда муаммоли публицистик чиқишлар қилиб келмоқда. Айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун олиб борилган курашда ўткир публицист сифатида фаол қатнашди. Газета ва журналларда «Тилнинг тириклиги — халқнинг мавжудлиги», «Тил билан эл — жон ила тан», «Саодат калити», «Тил, миграция ва иқтисод», «Юртдошлик бурчимиз», «Ер фарзандлари керак», «Тил ва матбуот», «Тил ва ижтимоий ҳаёт», «Тийрак кўз, зийрак қалб билан» каби ўнлаб мақолалар эълон қилди, 1990 йилда «Тил — тақдир демак» номли китобини нашр эттирди.**

Шу йилнинг 21 октябрь куни «Давлат тили ҳақида»ги Қонунимиз қабул қилинганига 12 йил тўлиши муносабати билан муаллифнинг янги мақоласини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

# Миллатнинг маънавий белбоғи



Ҳар бир қадимий ва маданий халқнинг адабий тили қайтарилмас ва ўзига хос бир маънавий бойлик ва эъзозланиши зарур бўлган миллий қадриятлардан ҳисобланади.

Тил — миллатнинг маънавий белбоғи. Бу рамзий белбоғнинг нақадар мустаҳкам бўлиши шу тилда сўзлашувчи, айниқса, шу тилда қалам тебратувчи барча зиёлиларнинг она тилларига нисбатан муносабатларига боғлиқ. Бу борада Навоий ҳазратлари жуда топиб айтганлар: «Тилга эътибор — элга эътибор!»

Миллий истиқлол шарофати билан мамлакатимизда ноширлик ва матбуот жуда жонланиб кетди. Ҳозирги кунда республикамизда 700 дан зиёд газета ва журнал нашр этилмоқда. Уларда исломий мавзулардаги оригинал ва таржима асарларни чоп этиш ва янги нашрларни йўлга қўйишда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу эса муаллифлар, матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, муҳаррирлар ва таржимонлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Афсуски, ҳатто исломий мавзуни ёритишда етакчилик қилаётган нашрларда ҳам тил бобида айрим камчиликлар ўтиб кетмоқда.

Исломий мавзуда қалам тебратувчи муаллиф динимизни чуқур билиши баробарида муайян даражада қомусий олим ва ўткир қалам соҳиби бўлиши, кўҳна тарихдан, тарихий жуғрофиядан ҳам яхшигина хабардор бўлиши лозим. Чунки асрлар давомида мамлакатлар ва давлатларнинг номлари ва чегаралари ўзгариб тургандир. Таржимонларнинг зиммасидаги масъулият янада кучлироқ. Чунки улар аслият тилини ва таржима мўлжалланаётган халқ тилини чуқур билишлари шарт. Таржимон — ижодкор, у ўзи қўлга олган асарни иккинчи бир тилда қайта яратиши керак, десак адашмаган бўламиз.

Камина мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавийи маънавий» асари тўртинчи китобининг ўзбекча таржимасини, унинг таржимони Жамол Камолнинг илтимосига кўра, мамнуният билан ўқиб чиқдим. Умуман олганда, таржима равон мутолаа қилинади.

Таржимада яшноқ, бошкесар сингари ҳозирги кунда кам ишлатилаётган сўзларнинг ўринли қўлланганини уқтириб ўтиш керак. Лекин, шу билан бирга, таржимада арабча ва форсий сўзлар таржима қилинмай қўлланган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, муқтадо, мифтоҳил-фараж, ложарам, сақар, фарёдрас, карру фар, обий, мудбар, гарон, суду самар, маргу фано, габр, жайлон, райгон, муттақий, тунзод, сақот, фосит, полуда ва шу каби сўз ва иборалар ўзбек китобхони учун тушунарли эмас. Шунингдек, баъзи байт ва парчалар ўзбек тилига таржима қилингани сезилмайди, қайси тилда экани билинмайди. Масалан,

**Жумла арвоҳ гар унинг тадбирида,**
**Жумлайи ашбоҳ-да амри тийрида,**

байтини оддий китобхон у ёқда турсин, ҳатто араб ва форс тилларини билувчи мутахассислар ҳам тушунишлари қийин бўлса керак.

Бу эътирозимни фақат бугунги китобхонимизни назарда тутиб айтаётганим йўқ. Ўзбек адабий тилимизнинг софлигини сақлаб қолишни, тилимиз чет сўзларга тўлиб-тошиб, ўзлигига путур етказилишининг олдини олишни кўзлаб билдиряпман.

Тарихга боқсак, ўрта асрларда тилимизга арабча ва форсча сўзларнинг кўплаб кириб келишига айрим таржимонлар ҳам сабабчи бўлишган. Улар арабча ва форсча матнлардаги сўзларнинг туркий тилдаги муқобилларини топиб, қўллаш ўрнига тайёр арабча ва форсча сўз ва ибораларни ишлатганлар, осон йўлдан борганлар, мисра, байт ва жумладаги от, сифат каби сўз туркумларини ўзича қолдириб, олмош, феъл каби туркумларни ўзбекчага ўгирганлар. Натижада аралаш-қуралаш матн юзага келган. Ана ўшандай матнлар бугунги ўзбек китобхони учун етарли даражада тушунарли эмас.

Шўролар замонида рус тилидан ўзбек тилига қилинган таржималар туфайли тилимизга рус ва Европа халқларининг кўплаб сўзлари ҳам кириб келди, бунда ўринли қўллашлар ҳам бўлди, ўринсиз қўллашлар ҳам бўлди. Мирзакалон Исмоилий, Одил Шаропов, Миркарим Осим, Қодир Мирмуҳамедов, Ваҳоб Рўзиматов, Мирзиёд Мирзоидов, Ҳасан Тўрабеков, Иброҳим Ғафуров ва шу каби таржимонлар томонидан ўзбек тилига қилинган насрий таржималар пухта чиққан. Лекин Чўлпон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ойбек каби атоқли шоирлар томонидан қилинган таржималарни ҳисобга олмаганда шеърий таржималар савияси насрий таржималар савияси даражасида эмас.

Истиқлол йилларида араб ва форс тилларидан исломий мавзулардаги, шунингдек, наср ва назмда яратилган адабий асарларни ўзбек тилига ўгириш жонланиб кетди. Лекин аксарият таржималарда ўринсиз тарзда арабча ва форсча сўзлар кўплаб қўлланилмоқда. Адабий жамоатчилигимиз бу ҳолнинг олдини олмаса, таржима адабиётларнинг тилига эътибор бермаса, адабий тилимиз бора-бора ўз қиёфасини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас. Бу борада ҳамма нуқсоннинг боши шундаки, таржимонлар араб ва ўзбек ёки бўлмаса, форс ва ўзбек тилларини маълум даражада билишади ва шу ҳолатдан келиб чиқиб, қилган таржималари ўзларига тушунарли бўлгани учун китобхонларни ҳам шундай деб ўйлашади, китобхон эса асосан битта тилни билади.

Ҳозирча тўрт китоб, кейинчалик олти китоб тарзида мўлжалланаётган «Маснавийи маънавий» асарини чоп этишда таржимонга Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида бир сўзбоши ёзилса, сўзбошида Мавлоно 1207 йили туғилгани, Балх шаҳри ва Балх вилояти тўғрисида, бу шаҳар ва вилоят тарихан минг йиллар давомида Туркэли (Туркистон) мамлакатининг таркибий қисми бўлиб келгани, ҳатто XIX асрнинг олтмишинчи йилларига қадар Бухоро давлатига қарагани тўғрисида, Мавлононинг иккинчи ватани бўлмиш Қўнё (Икония) шаҳри ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилса, шунингдек, китоб сўнгида тарихий шахслар ва жуғрофий жойлар номларининг кўрсаткичлари илова қилинса, бугунги ўзбек китобхони учун айни фойдали бўларди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилидаги оригинал ва таржима адабиётларни ўзбек китобхонларидан ташқари қардошларимиз — теран томирлари бир қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур, татар ва бошқа халқлар ҳам ўқийдилар. Айниқса, Ўзбекистонда ва қўшни давлатларда яшаётган қардошларимиз орасида ўзбек тилидаги китобларга ҳам талаб ва эҳтиёж бор. Маълумки, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа шу каби туркий тилларда арабча ва форсча сўзлар ўзбек тилидагига қараганда камроқ ишлатилади, уларда соф туркий сўзлар нисбатан кўп. Оригинал ва таржима асарларимизда асосли ва ўринли тарзда туркий сўзларни кўп ишлатсак, халқимиз учун ҳам, қардошларимиз учун ҳам матнни тушуниб етишда қулайлик яратган бўламиз.

Кўҳна тарихдан маълумки, арабларнинг Туркистон мамлакатига кириб келиши ва араб халифалиги таъсири остида буюк аждодларимиз бир неча юз йиллар давомида илмий-диний асарларни араб тилида, адабий, тарихий асарларни эса ўз она тиллари билан бир қаторда араб ва форс тилларида ҳам ёздилар, бу уч тилни билган ва уларда асарлар яратган ижодкорларимиз ҳам бўлган. Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр» китобида ижодлари ҳақида ҳикоя қилинган мингдан ортиқ туркистонлик араб тилида ёзгани айтиб ўтилган. Баъзи ижодкорлар дастлаб икки тилда — туркий ва форс тилларида қалам тебратган бўлсалар, айримлари ёки туркий, ёки форс тилида ижод қилганлар. Масалан, хоразмлик буюк шоир Паҳлавон Маҳмуд беназир рубоийларини форс тилида яратган. Ҳозирги кунда унинг юртдоши — шоир ва олим Абдулҳаким Матназар бу рубоийларни маҳорат билан ўзбекчага таржима қилиб, кенг китобхонлар мулкига айлантирмоқда. Бундай анъана туркий халқлар адабиётида кўпдан бери мавжуд. Масалан, Шарқ адабиётида хамсачиликни бошлаб берган улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг форс тилида яратган деярли барча асарлари озарбайжонлик таржимонларнинг саъй-ҳаракатлари билан юртдошларининг маънавий мулкига айланган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда Жалолиддин Румийнинг шоҳ асари бўлмиш «Маънавийи маснавий»сини ўзбек тилида юртдошларга тақдим этилиши диққатга сазовордир. Маълумки, Жалолиддин асли хоразмлик ўзбеклардандир. Унинг отаси Муҳаммад Баҳоуддин Валад ўзбек давлатчилигида Ануштегин сулоласига мансуб хоразмшоҳлар — Такеш (1193-1200) ва Муҳаммад (1200-1220) ҳокимиятни бошқарган замонда машҳур суфий ва моҳир воиз бўлган. У султон ул-уламо, яъни уламоларнинг султони деб аталган, салтанат миқёсида мавқеи кучли бўлган. Унинг отаси, яъни Жалолиддин Румийнинг бобоси Ҳусайн ал-Ҳатибий хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қизига уйланган. Демак, Жалолиддин Румий хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг қизидан туғилган набираси, сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг жиянларидан бири бўлган. Уларнинг бири Урганчда, иккинчиси Балхда туғилган. Зеро, Алоуддин Муҳаммад даврида Хоразм давлатининг куч-қудрати ўз чўққисига чиққан бўлиб, унинг ҳудуди шимолда Ўрол тоғигача, жанубда Форс кўрфазигача, шарқда Ҳиндикуш тоғигача, Ғарбда эса Фирот дарёсигача чўзилган. Бу даврда бутун жаҳонда ҳам хоразмшоҳ салтанатига тенг келадиган давлат йўқ эди.

Мавлоно Баҳоуддин Валад шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг машҳур муридларидан бири бўлгани Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида таъкидланган. Жалолиддин беш ёшда экан, яъни 1212 йили Баҳоуддин Валад Балхдан чиқиб кетади. Йўл усти кўп мамлакатларда қўниб ўтади. 16 йиллик сафардан кейин, яъни 1228 йили Салжуқ давлатининг ўша замондаги пойтахти Қўнёда қўним топди. Олтинпо мадрасасида мударрислик, ваъзхонлик билан машғул бўлади ва донг таратади. Баҳоуддин Валад 1231 йили вафот этгач, унинг ўрнига мавлоно Жалолиддин бош мударрис этиб сайланади...

Шундай буюк ватандошимиз ижоди билан яқиндан танишиш истиқлол замонамизда яшаётган бугунги китобхонларимиз учун жуда завқли бўлиши турган гап.

Мақоламизнинг бошида тилга олинган, таржиманинг тилига оид камчиликларга келсак, бундай нуқсонларни сўнгги йилларда араб ва форс тилларидан ўгирилган кўпгина асарларда ҳам учратиш мумкин. Бу ўринда биттагина мисол билан чекланиб қўя қоламиз. Бир шеърий таржимада «Най садоси» ибораси ишлатилибди. Ваҳоланки, най нола қилади, бунда нидо сўзини қўллаш ҳам мумкин. Карнай, ноғора товушларига нисбатан садо сўзи мос тушади. Ўзбек тилига бошқа тиллардан кириб келган, аллақачонлардир халқимиз томонидан ўзлаштирилиб, ўзимизники бўлиб кетган сўзларни қўллашда ҳам тилимиз ва халқимиз табиатидан келиб чиқиб, инжа маъноларни нозик фаҳмлаб, ўзбекона маҳорат кўрсатиш зарур кўринади. Бу ўринда Алишер Навоий бобомизнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарларида айтиб ўтган ўгитлари айниқса қўл келади.

Тўғри, араб ва форс тилларидан исломий мавзуларда, шу жумладан, тасаввуфга доир асарларни таржима қилишда ўзига хос жиҳатлар бўлади. Бу аввало, тарихан шаклланган ва барча исломий мамлакатларда бирдек қўлланиб келинаётган атамаларга тегишлидир. Ҳеч ким атамаларни ҳам таржима қилишни талаб этилмайди, гар шундай талаб қўйилса, таржиманинг савияси юзакилашиб қолур эди. Бундай ҳолатларда атамаларга шарҳ ва изоҳ бериш билан чекланилади. Китоб сўнгида бугунги кўп сонли ўқувчи учун тушуниши қийин бўлган айрим сўзларнинг таржимаси илова қилинади. Мингйиллик бой тарихга эга ўзбек ёзма адабий тилининг таркий шохобчаси бўлмиш ўзбек тасаввуф адабиётининг мумтоз ва халқчил тили ҳам мавжуд. Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»лари, Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоёрнинг асарлари, Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг қаламига мансуб фатво ва ваъзларнинг матнлари ва бошқа кўпгина адабий манбалар бугунги кундаги мутаржимларимиз учун ибрат ва маҳорат мактаблари бўлиши мумкин.

Беш-ўн минг, балки ундан ҳам кўп нусхада кенг халқ оммаси учун нашр қилишга мўлжалланган таржима асарнинг тили халқчил бўлиши лозимдир. Бунинг учун таржиманинг тил жиҳатига ҳам кўп сонли (кўп миллионли десак ҳам бўлади, чунки китоб келгуси авлодлар учун ҳам чоп этилади) ўзбек китобхонлари нуқтаи назаридан қаралиши, ҳар қандай танқидий мулоҳазалар бўлса, асар қўлёзмалигида таржимонга айтилиши, ноширлар ва муҳаррирлар ўқувчи манфаатидан келиб чиқиб, ўз касбий вазифаларига масъулият билан ёндошишлари лозим, деб биламиз.

Хулоса қилиб айтганда, ой сайин кетма-кет нашр этилаётган, араб ва форс тилларидан ўзбекчага ўгирилган асарларнинг тил жиҳатига ҳам жиддий ёндошайлик, токи бу таржималар адабий хазинамизни бойитса бойитсин-у, тилимизнинг ўз қиёфасига путур етказмасин. «Давлат тили ҳақида»ги Қонунимиз ҳам шуни тақозо этади. Зеро, тилимиз миллатимизнинг маънавий белбоғи экан, уни авайлашимиз, унга ғубор қўндирмаслигимиз, ҳимоя қилишимиз ва ўз табиий ички қонунияти асосида равнақ эттиришимиз лозим.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ**

**Оила гўзаллиги, мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан фарзандлар туфайли, шунингдек, уларнинг бахт-саодати, иқболи билан боғлиқ. Шу азиз фарзанд орқали икки дилдаги меҳру муҳаббат риштаси янада маҳкамроқ боғланади ҳамда оилада шоду хуррамлик бўлади.**

**2001 — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ**

# Фарзанд — дилга пайванд

Ҳаётимизда увалижували, серфайз, серфарзанд оилалар ва уларга бошчилик қилаётган табаррук онахон, отахонлар кўп. Уларнинг ҳаёт йўли, айниқса, фарзанд тарбиясидаги тажрибалари барчага намунадир. Бу оилалардаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, самимийлик фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган халқ мақолида ҳикмат кўп. Чунки ота-онанинг ўзаро тотувлиги, бир-бирларига самимий иззат-ҳурмати фарзандлар учун катта ҳаёт мактаби эмасми! Шундай табаррук оилаларда тарбия топаётган ажойиб ўғил-қизлар худди ота-оналари каби меҳнатсевар, саҳий, инсонпарвар бўлибгина қолмай, балки ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан ҳурмат қозонмоқдалар. Оиланинг серфарзанд бўлиши болаларда жамоат бўлиб яшаш, ўқиш, меҳнат қилиш руҳини кучайтиради. Бундай оилаларда тарбия топган болалар ҳеч вақт камгап, зиқна бўлмайди ёки манманликка берилмайди. Аксинча, қувноқ, аҳил бўлиб ўсади.

Халқимизнинг фарзандларига бўлган меҳри ва муҳаббати, айниқса, болажонлик каби яхши анъаналари ота-боболаримиздан бизга абадий мерос бўлиб келмоқда. Ундан ижобий фойдаланаётган оилалар, ота-оналар ва фарзандлар ўз олдидаги бурчни янада мустаҳкамламоқда. Бу анъаналар авлоддан-авлодга ўтиши, давом этиши зарурдир.

Ҳаёт бўстонининг мевалари бўлмиш азиз фарзандларимизнинг бахти-иқболининг порлоқ ва истиқболли бўлишида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик қилинмоқда. Минглаб оналар кўксида нишонлар порлаб турибди.

Ака-ука, опа-сингилларнинг аҳил, дўстона муносабатлари, бир-бирларига яқиндан кўмаги ота-онанинг кучига куч, қувватига -қувват, умрига умр қўшади.

Болалардаги ташаббус ота-она томонидан тақдирланиши, бажарган ишларининг ҳар куни сифатига қараб қабул қилиниши уларда масъулият ҳиссини тарбиялайди.

Бир донишманд айтганидек: «Оилада ота-она болаларга доноликни, мўътадилликни, жасурлик ва оддийликни ўргатмоғи лозим». Дарҳақиқат, ота-она фарзандларга ўзининг пок қалби, одиллиги, донолиги билан ибрат бўлади.

Она табиий тарбиячидир. Бола тарбиясида онанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Халқимизда «Ҳар ким экканини ўради» деган мақол бор. Фарзанднинг орзу-умидлари, режаларини ҳисобга олиш, керагида унга тўғри йўл кўрсатиб, кўмак бериш ота-она олдидаги бурчдир.

Бизга таниш бир оилада тўрт қиз, икки ўғил вояга етмоқда. Бўйи етиб қолган қизлар на уй юмушларига қарашади, на ота-онасининг иззат-ҳурматини жойига қўя олади. Ўғиллар қўпол, уларнинг ўқишларидан ўқитувчилари нолиганинолиган. Ота болалар тарбиясини онага юкласа, она отага ишонади. Хуллас, болалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу оилада ота-она ибрати, фарзандлар бурчи масаласи маҳалла-кўй, қўни-қўшнини ташвишга солмоқда.

Нима учун бу оилада бошқа хонадонларникидек файз, иттифоқлик йўқ? Ота-она болалар олдида арзимаган нарсалар учун уруш-жанжал қилиб, ўз мавқеларига путур етказишган. Болалар ота-оналари орасидаги жанжалли муносабатларни кўриб, ҳаёт шу экан, деган тушунчани ҳосил қилганлар.

Тарбия, бундай қараганда осон ишга ўхшайди. Айниқса, ўзи тарбия иши билан амалда, назарияда кам таниш бўлган одам уни енгил, ҳамма уддасидан чиқа оладиган иш деб ўйлайди. Аслида бола тарбиясидек мураккаб иш йўқ.

Тўғри ва асосли тарбия, инсон умрининг мустаҳкам пойдеворидир. Инсон фазилати, ҳаёт гўзаллиги ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги узлуксиз меҳнати фаросат билан, узоқни ўйлаб иш кўришига боғлиқдир.

Ҳа, ҳаёт бўстонининг мевалари бўлмиш азиз фарзандлар билан ҳаётимиз гўзал ва чароғон, мазмунлидир. «Она билан бола — гул билан лола», «Яхши фарзанд — дилга пайванд» каби халқ нақллари бежиз айтилмаган. Ҳаётимизнинг умид юлдузлари фарзандлар тарбиясига янада масъулият билан ёндошиш биз, ота-оналар олдида турган масъулиятли вазифадир.

**Қумри АБДУЛЛАЕВА,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**



Келажагимиз эгалари

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Шуҳрат маънавий мукофотдир. Бу мукофотга ҳамиша лойиқ бўлиш лозим.

● Муҳтожлик жароҳати раҳм-шафқат дори-дармони билан тузалади.

-● Ялқов, ишёқмаслар икки фарзанд орттирадилар: зорлик, бадбахтлик.

● Яхши ном олиб ўлган киши, ёмон ном олиб тирик юрган кишидан афзалдир.

● Шарму хаё ниқобидаги чеҳра қутида сақланган қимматбаҳо гавҳарга ўхшайди.

● Тушунилмаган ҳақиқатни инкор қилиш жоҳилликдир.

● Истаксиз келишувдан кўра дўстона келишмовчилик яхшироқдир.

● Ҳақиқий тавба — қилган ярамас ишлардан ўкиниб, у ножўя ишлардан тортинмоқдир. Тавба — гуноҳкорни исён лойидан тозалайди. Тавба — ёвузлик йўлининг ниҳояти, ҳидоят кўчасининг бидояти, бошидир. Тавба — манманлик ғафлатидан сесканиш, ўзининг номаъқул аҳволини англаб, номуносиб ишлардан пушаймон бўлишдир.

Бу гавҳар кимга муяссар бўлса, у одам қилган номаъқул ишларидан уялиб, уят дуди димоғидан чиқади, қилган номаъқул ва номақбул ишларини эслаб афсусланади, у ношойиста ишларни иккинчи бор қилмасликка бел боғлайди. Шу билан ярамас ишларга чек қўяди, эгри йўлдан воз кечиб, тўғри йўлга қадам босади.

Байт:

**Ўзингни айла тавба баҳрига ғарқ,**
**Юзингдан шамъи имонинг урар барқ.**

● Бир девона оёғини гўрга солинтириб, тупроқ ўйнаб ўтирган экан. Одамлар ундан нима билан машғул эканлигини сўрашди. Девона шундай жавоб берди:

— Агар келсам, менга озор бермайдиган, кетсам орқамдан ғийбат қилмайдиган одамлар билан маза қилиб гаплашиб ўтирибман.

● Икки нодон киши сафарга чиқди. Йўлда кета туриб бир-бирига дерди:

— Бахти толеим ёр бўлиб, бир қанча қўйга эга бўлсам эди, уларнинг юнги ва гўштидан жуда фойда қилардим.

— Менинг ҳам толеим ёр бўлиб, бир нечта бўрига эга бўлсайдим, уларни қўйларнинг орасига юбориб, биттасини ҳам тирик қолдирмасдим.

— Менинг қўйларимни нега бўриларингга едирасан?

— Сен хасис кишисан, барибир қўйларингнинг гўшти ва юнгидан менга бермайсан.

Йўқ, қўйлар ва бўрилар учун жанжал кўтарилди. Улар уришиб бош ва юзларини қонатдилар. Уриша-уриша чарчаб, йўлнинг бир чеккасига чиқиб ўтирдилар. Узоқдан қари киши бир тулим асални эшакка юклаб келарди. Икки нодон: «Шу киши сўзимни эшитиб нима ҳукм қилса, шунга рози бўлайлик», деган қарорга келдилар. Қари киши етиб келди. Икки нодон унга нима ҳақда жанжаллашиб, қонга бўялганларини баён қилишди ва нима ҳукм қилса, шунга рози эканликларини айтдилар. Қари киши сакраб эшакдан тушди. Ёнидан пичоғини олиб, тулимни ёриб юборди, асал ерга тўкилди. Сўнг уларга қараб:

— Ҳар иккингиз нодон бўлмасангиз, менинг қоним ерга шу асалдек тўкилсин, — деди.

Шундай қилиб икки нодонга учинчи нодон қўшилган экан.

● Бир донишманд ўғлига шундай насиҳат қилди:

— Ўғлим, халқнинг ўзингга хайриҳоҳ бўлишини хоҳласанг, аввал ўзинг халққа хайриҳоҳ бўл. Ўз меҳнатинг бекорга кетишини тиламасанг, халқ меҳнатини бекорга кетказма, зое қилма. Обрўли бўлишни истасанг, тавозели бўл. Одамлар сени масхара қилиб кулишларини истамасанг, юриш-туришингни тузат. Қадр-қимматим ошсин десанг, бошқаларнинг қадр-қимматларини бил. Ҳамманинг ўзингга дўст бўлишини истасанг, одамларга қўлинг ва тилинг билан озор берма. Иззат-ҳурмат эгаси бўлишни хоҳласанг, мумкин қадар молингни муҳтожлардан аяма. Мукаммал бир инсон бўлишни орзу қилсанг, ўзингга мақбул бўлмаган бир ишни бошқаларга раво кўрма. Дилинг оғриб, асабийлашишни тиламасанг, жоҳил, аблаҳ кишилар билан сўзга боришиб ўтирма. Беғам бўлишни истасанг, ҳасадчи бўлма. Қайғу-аламдан узоқ бўлишни истасанг, қўлингдан чиққан нарсага афсус-надомат қилиб юрма. Дўст -ошноларнинг кўпайишини хоҳласанг очиқ юзли, ширин сўзли бўл, ҳеч кимга гина ва адоват сақлама. Сиринг ошкор бўлишини хоҳламасанг, дўстингга ҳам айтма.

● Ёшлик — бир бепарволик, йигитлик — бир мусобақа, карилик эса таассуфдир.

● Ярми назокатдан ва ярми садоқатдан иборат бўлган шижоат ва матонат гўзал фазилатнинг асосидир.

● Интилиш ва амал инсонга файз-камол бахш этади, улуғ даражага етказади.

● Дўстларнинг ҳасади душманларнинг хусуматидан ёмондир.

● Инсоннинг улуғлиги ўз нафсини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлиши билан билинади.

● Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда чиқмайди.

● Одам боласининг фақат ўзигагина ишониб иш олиб бориши ақлининг заиф, кучсизлигидан дарак беради.

● Дунёдаги оғир ишларнинг энг оғири учтадир: сир сақлай олиш, ҳақоратни кўтариш ва ҳаётни тўғри кечира билиш.

● Ортиқча тавозели ва ҳалим бўлиш одамни риёкорликка, тилёғламаликка ўргатади ва хорлик сари етаклайди.

● Яхшиликка йўйиш мумкин бўлган бир сўзни ёмонликка йўйишнинг ўзи ёмонликдир.

● Риёкор, мунофиқлар арига ўхшайдилар. Уларнинг оғзида асал ҳам, ниши ҳам бор.

● Ҳар балонинг боши тамадир. Қуш донга тама қилмасайди, тузоққа илинмасди. Одам очкўзлик камарини белига боғламаса, иззатининг либоси хорлик палосига алмашинмасди. Тама тоши кишиларнинг эътибор тарозусини енгил қилади.

2-, 34-, 54-автобуслар, 6- ва 11-, 12-троллейбусларнинг Қатортол бекатида, шоҳкўчанинг ўртасига «ёриб» кирган оролча-майдон — қабристон бор. Бу қабристоннинг тарихи ва бу ерга кимлар дафн этилганлигини кўпчилик билмайди, аммо мусулмон киши борки, уловда, пою пиёда бўлсин юзига фотиҳа тортиб ўтади. 60-йилларгача бу қабристонга марҳумлар қўйилган. Унинг атрофи боғ-роғ, экинзор, дов-дарахтлардан иборат бўлган. Қонқус дарёсининг ирмоғи бўлган Қатортол ариғи шу ердан ўтган, унда тегирмон бўлгани эсимда. Қатортол, Катта қаъни, Чўпон ота, Кўтарма, Қозиравот, Чилонзор, Дўмбиробод аҳли дон-дунларини шу тегирмонга олиб келиб, ун тортиб кетарди.

Қатортол даҳасида салкам бир аср умр кўриб, 1958 йил 20 ноябрда вафот этган Ҳасанхон эшон ҳам ана шу қабристонга дафн этилган. Бу киши ўз замонасининг илмли, оташнафас азайимхонларидан бири, Самарқанд дарвозаси даҳасида истиқомат қилган Рустамхон қозининг маслаҳатчиси бўлган. Булар тошкентлик валийлардан Хўжа Нуриддин бобо авлодларидан бўлиб, ниҳоятда пок, иймон-эътиқодли, меҳнаткаш эдилар. Ҳасанхон эшон 1941-1945 йиллардаги урушнинг охирларида ўз боғларидаги қуриган дарахтлардан саржин тайёрлаб, эшакка ортиб Эски шаҳар бозорида сотиб тирикчилик қилганлар.

Ўша йиллари мен кунора Бешёғочдаги дўкондан, отамнинг ишхонасидан берган заборний карточкасига нон олиб келардим. (Биз азалдан Дўмбирободда яшаганмиз). Кўпинча уйга қайтишда Ҳасанхон домлага ҳамроҳ бўлиб қолардим. У киши отамнинг тоғаси бўлганлари боис мен билан очи-

Ҳовлида кетмон сопини рандалаётган поччам «Борганимизга унчалик кўп бўлгани йўқ, ҳозир ишларим бор, мен кейинроқ борарман», деди. Опам: «Поччанг бормасалар, мен ҳам кейинроқ бирга борарман», деди.

Ҳасанхон домла бу гапларни боғ эшикдан эшитиб келаётган эканлар.

— Эй, ўғлим, биров олдингга дастурхон ёзиб, меҳмонга чақирадию бормайсанми? Сени ишлатгани чақирмаяпти-ку, куёвларини пайғамбаримиз ҳам сийлар эканлар, баҳона кўрсатма, — дедилар.

Ҳасанхон эшон деҳқончиликни яхши кўрардилар. «Экиннинг чети чиройли бўлса, ўртаси ҳам баравж бўлади», — дердилар. Боғларидаги сув тошган, ўйилган, ариқлар нураган жойларини ҳамиша текислаб, чиройли қилиб қўярдилар. Миниб юрадиган уловларининг нўхтаси ва югани, эгар-жабдуқлари ҳам чиройли бўларди.

Домла бобомиз деҳқончилик тўғрисида Навоий, Бедилдан ҳикматли сўзларни айтиб берардилар.

**Иккинчи ҳикоя.** Қиш ойларининг бири эди... Бизлар қишда Абулқосим мадрасаси ёнидаги шаҳар ҳовлимизда қолиб, ёзда Дўмбироболдаги дала ҳовлимизга кўчиб борардик. Ҳасанхон домланинг шаҳар ҳовлилари Самарқанд дарвоза кўчасидаги Хўжа Нуриддин бобо мақбараси яқинида бўлиб, ўша кезлари далада қишлайдиган бўлдилар.

Ёмғир шивалаб ёғиб турганига қарамай отам тўриқ отни жувозхона эшиги ёнидаги ҳалқага боғлаб, эгарлай бошладилар. Ҳовлига тортилган симга ёйиғлик ювилган кийимларни шошилинч йиғаётган онамга қараб:

**ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...**

# Отамнинг тоғаси

либ-сочилиб суҳбатлашардилар. Ҳасанхон эшоннинг шахсиятини гавдалантириш мақсадида учта воқеий ҳикояни эслаб, қоғозга туширдим.

**Биринчи ҳикоя.** Менинг отам авжи навқирон, айни вақтда бола-бақрага ўралашиб қолганларида тўсатдан қаттиқ бетоб бўлиб қолиб, ҳовлимизнинг боғ томондаги эшикдан чиқаверишда, катта балх тутнинг тагидаги супада ётган эканлар.

Бобомнинг исмлари Ойхўжа полвон бўлиб, у зот қоп-қора, занжисиёҳ бўлганларидан кўпчилик Қорахўжа полвон дейишаркан. Ўша пайтда Зангиота, Қовунчи, Тўйтепада бўлган халқ сайилларида курашга тушиб, йиқилмасдан келар эканлар. Бобом бемор ўғилларидан хабар олгани келсалар, биттаю битта ўғиллари қийин аҳволда, сув ҳам ўтмасдан, оғирлашиб қолган экан. Бобом отни эгарлаб, Қатортолга жўнабдилар. Ҳасанхон домлани бошлаб келибдилар.

Бобом домлага қараб:

— Тақсир, мана бу норасиданинг ҳақи, — дептилар мени кўрсатиб (ўша вақтда мен тутнинг тагида турган эгарга миниб ўйнаб ўтирган эканман), агар Оллоҳ рози бўлсаю ўғлим — Мансурхон соғайиб, узоқ яшаб юрса-ю бунинг ўрнига мен кетсам, — дептилар.

— Жонига жонингизни алишмоқчимисиз? — дептилар Ҳасанхон домла.

— Агар иложи бўлса, — дептилар бобом.

— Астойдилми?

— Ҳа, — дептилар бобом.

— Ундай бўлса таҳорат қилиб келинг, менинг ёнимда чўкка тушиб ўтиринг.

Бобом домланинг айтганларини қилиб, ёнларига келиб, йиғлаб ўтириптилар. (Ўша пайтда бемор отам кўзларини юмиб, ҳеч нарсани билмай ётган эканлар, мен эса отамнинг ёнларига келиб, «Ада, тойнинг нўхтасини қачон тузатиб берасиз?» — дермишман).

Ҳасанхон домла дам ўринларидан туриб, дам чўкка тушиб дуо ўқиптилар. Бобом ва Домла икковлари Худодан илтижо қилиб, юзларига фотиҳа тортиптилар.

Ҳасанхон домла уйларига етиб бориб, энди эшакдан тушиб, уни ташқари ҳовлидаги дарахтга боғлаётганларида орқаларидан «Ойхўжаполвон оламдан ўтдилар» деган хабар борипти.

Кейин отам соғайиб кетиб, 90 ёшдан ошиб (1973 йил 15 сентябрда) вафот этганлар.

Ҳа, Ойхўжа бобомни эслаганимда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бетоб ётган ўғли Ҳумоюннинг тепасида йиғлаб тургани кўз олдимда гавдаланади.

Бир куни отам ойимга қараб:

— Баҳрихон қизимиз Каримани домла тоғамиз ўзларига келинликка сўрадилар. Куёв бўладиган ўғиллари Аъзамхўжа колхозда сувчи экан. Бригадирнинг таклифи билан уларнинг ҳовлиси ёнида беш таноб* ердаги бедани ойдин кечада чалғи билан бир ўзи ўриб қўйипти. Эрта билан колхоз раиси шу ердан ўтса, кеча кечқурун етилиб турган беда бир текис ўрилиб қолганмиш. У буни суриштириб билипти ва ўша бедапоя ёнида пишай деб турган бир туп «охинсариқ» ўрикни мукофотга берипти. Тоғам буни бугун келганларида айтиб бердилар. Карима иккови бир-бирига муносиб бўлса керак, — дедилар.

Онам отамга бирор марта гап қайтармаганларини ва гапларини бўлганларини эсламайман.

Тақдир тақозоси билан опам Ҳасанхон домлага келин бўлдилар. Ўзбекларнинг удумига кўра, узатилган қиз дастлабки даврдаги ҳар икки ҳафтада ота-онасиникига бориши керак экан. Бизларда ҳам шундай бўлганди. Агар узаб кетса ўзимиз меҳмонга таклиф қилардик. Бир куни поччам билан опамни меҳмонга айтиб келиш учун мени юборишди.

— Чаладаги (ҳозирги Зангиота тумани маркази яқинидаги қишлоқ) жиянимни кўриб келаман, Йўлдошнинг иссиқ кийимларини кийгаз, ҳали у ҳам эргашади, — дедилар.

Онам: «Кеч кириб қолаяпти, бугун қайтасизларми ёки эртагами?» деб сўрадилар.

— Вазиятга қараймиз, йўлдан Қатортолга кирамиз, борсалар тоғамни ҳам бирга олиб кетамиз, — дедилар отам.

Ҳасанхон эшоннинг дарвозаларига рўбарў бўлишимиз биланоқ «Шу бугун сенларнинг келишинг, Шоюнусхўжаникига бирга боришимиз кўнглимдан ўтаверди, эҳтиётдан эшакни эгарлаб қўйдим. Хўп келдиларинг, кун кетиб боряпти. Қоронғу тушмасдан етиб ола қолайлик. Чойни ўшаларникига бориб ичамиз, от устида ўғлингни пўстинингга яхшилаб ўраб ол», — дедилар.

Отга узун эгарни урган эканлар, отам билан икковимиз бемалол мингашиб кетяпмиз. Уйдан чиқишимизда ёғаётган ёмғир қорга айланди. Тез фурсатда ерни оппоқ қор қоплади. Сўғалли ота қабри яқинига борганимизда домла отамга қараб: «Мансурхон, сен мени ҳурматлашингдан миннатдорман, нима бўлганда ҳам от-отда, сен олдинда юр, от билан йўл очиб борасан, мен сенинг изингдан бораман. Йўл билан шудгорни ажратиб бўлмай қолди», — дедилар.

Катта қаъниддаги жарлик, тепаликлардан ошиб Эшонгузарга борганимизда қор тинди, отда биз олдинда, эшак минган Ҳасанхон домла кейинда узоқдан кўринган уйларга томон юриб, манзилга етдик.

Отам кўргани бораётган жиянларининг қайин отаси — Шоюнусхўжа боғбон бизни кутиб олди, уловларни бостирмага киритиб, боғлади. Бизларни бозиллаган иссиқ танча атрофига ўтқазди. Чолларнинг суҳбати роса авжига чиқди. Гап гоҳ деҳқончилик ҳақида, гоҳ олдинги қишда Хирмонтепада бўлган улоқ тўғрисида бораяпти. Мен «кетамиз»га тушиб қолдим. Мезбонлар тунаб қолишга таклиф қилишди, унамадим. Отам билан ўрнимиздан турдик. Ҳасанхон домла: «Эшагимнинг тақаси эски, яхлаган ерда сирғанади, эртага кетарман», деб тунаб қолдилар. Биз отни миниб йўлга чиқдик. От жонивор юрган йўлини таниб, ўктам оёқ ташлаб бораяпти. Ҳаммаёқ оппоқ қор, из йўқ, жим-житлик. Қозиравотга етай деганимизда бир нарсанинг тақиллагани эшитилди.

Отам менга: «Пўстиним ичидаги белбоғимдан икки қўлинг билан маҳкам ушла», — дедилар-у отга қамчи босдилар. От шамолдек учиб кетди. Отам «Хайт, жонивор, сенга Худо қувват берсин», деб бошларини отнинг бўйни томон энгаштирдилар. Шу пайт бизнинг устимиздан узун таёқ айланиб, ғувиллаб ўтиб кетди. «Хайрият, тегмади», — дедилар отам елиб бораётган отнинг тизгинини (жиловини) асталик билан тортиб бориб. От бироздан сўнг секинлади.

Бадалсариқнинг сойига борганимизда шаҳар томондан уч отлиқ келаётган экан.

Отам улар билан саломлашдилар.

— Отингиз нимага безовталаниб, пишқириб келаяпти? — сўради улардан бири. Отам Қизиравотдаги анҳор кўприги устида йўлтўсарлар тургани, бизни отдан йиқитмоқчи бўлиб, кўприк ёғочига уриб, тақиллатиб турган таёғини отганини, таёқ бизнинг устимиздан ошиб ўтганини айтиб бердилар. У киши ёнидаги шеригига «Милтиғингни ўқлаб, менга бер» деди-да, улар йўлда давом этишди.

Ҳасанхон домла эртасига биздан хавотирланиб, уйимизга келдилар. Кечаси биз келаётган йўлдаги воқеани отамдан эшитиб: «Менинг бу сўзларимни яхшилаб эшитиб ол, бундан буён бевақтда ёлғиз юрма», Худойи таоло эҳтиёткорликни унутмаган бандаларини асрагай...» — дедилар.

**Йўлдош МАНСУРОВ,**
**журналист.**

* Таноб — гектарнинг 1/6 қисми.

**САНЪАТ**

## «Умар Ҳайём буржи» Германияда

Йигит-қизларнинг севимли санъат кошонасига айланиб қолган Ўзбекистон Ёшлар театри ўзининг янги ижодий мавсумини бошлади. Шу мавсум давомида унинг саҳнасида бир неча спектакллар томошабинларга ҳавола этилади.

«Умар Ҳайём буржи» деб номланган постановка эса шу яқин орада саҳна юзини кўриб, томошабинларга тақдим этилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу спектакль театрнинг гастроль томошалари дастурига ҳам киритилади.

Шу йилнинг кузида Россиянинг Омск шаҳрига қилинадиган ижодий сафар чоғида «Умар Ҳайём буржи» постановкаси ҳам кўрсатилади.

Ёшлар театри Германияга қиладиган гастролига ҳам тараддуд кўрмоқда. Дрезден театри саҳнасида ҳам машҳур олим ва шоирга бағишланган бу спектакль намойиш қилинадиган бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**



*Диққат, томоша бошланади.* *Равиль Альбеков олган сурат.*

## Энг... Энг... Энг...

◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг демография масалалари билан шуғулланувчи комиссияси аъзолари маълум қилишларича дунёда аёлларнинг Анна исми энг кўп тарқалган экан. Сайёрамизда 95 миллион қиз ва аёлнинг исми Анна деб юритиларкан.

◆ Американинг «Хьюлетт-Паккард» фирмаси дунёда энг ажойиб, тенги йўқ соат яратди. У жуда аниқ юради. У фақат 1,6 миллион йилдагина 1 сонияга адашиши мумкин, дейишмоқда мутахассислар.

◆ Швейцариядаги «Педало» велоклуби ихтирочилари 3 кишилик энг митти велосипед ясадилар. Унинг узунлиги атиги 62 сантиметр, холос.

◆ Пентагон Херши шаҳридаги (Пенсильвания штати) озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи «Херши фудс» компанияси 60 даража иссиққа бардошли шоколад ишлаб чиқарди. Бу шоколадлар дунёда иссиққа энг бардошли ҳисобланади.

◆ Швейцариянинг Рейнах шаҳарчасида яшовчилар энг катта шам ясадилар. Шамнинг узунлиги 5,72 метр, айланаси 30 сантиметрни ташкил қилиб, оғирлиги 400 килограммга тенг.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.**

**ҚИЗИҚ ГАПЛАР**

## Юздаги ифодани ўқиш

**Яқин одамларимизнинг юзига аллақандай ғам-койиш солганини дарров илғаб оламиз. Уларнинг юзидаги билинар-билинмас белгиларга қараб ҳам ҳукм чиқарамиз. Лаб, оғиз, жағларнинг тузилиши ҳам кишининг ички олами ва феъл-атворидан дарак бергани учун ҳам баъзан бир кўрган одамининг қандайлигини башорат қила оладиган даражадаги қобилият соҳиблари ҳам бўлади. Қатъийлик, дадиллик ва жасурлик фазилатларига эга бўлганлар лабларини қаттиқ қимтиб юрадилар. Аксинча бўлса, демак ундайлар енгил табиат кишилардир. Руҳи носоғлом кишиларнинг оғзи ярим очиқ, пастки жағи осилиб туради.**

Юз ифодаси ҳақида гап кетганда айниқса кўз — қалбнинг ойнаси сифатида қанчалар муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Хоҳ яқинимиз, хоҳ бегона — кўзларига қараб ғам-ташвиш, маъқуллаш, ёқтириш, қувонч, рағбат барча туйғуларни «ўқиб оламиз». Шунинг учун ҳам кўзлари ҳаракатчан, ўйнаб турадиган кишиларга ишончсизлик билан боқамиз. Ахир у очиқ ҳақиқатни айтишни истамай қалбидаги бор гапни яширишга уринаётган бўладида.

Нигоҳлар, нигоҳлар... Олимлар халқларни шартли равишда контактли ва контактсиз тоифаларга ажратишган. Масалан, японлар кўзга тик боқиб гапиришни беодоблик санашади. Уларнингча, сўзлашаётганда суҳбатдошининг елкасига қараб туриш зарур. Кенияда куёв билан қайнона қандай гаплашиши ҳақида эшитганмисиз? Улар суҳбатлашаётганларида бир-бирларига орқа ўгириб туришлари асрлар бўйи сақланиб келмоқда. Контактли халқлар жумласига эса араблар, Лотин Америкаси халқи, Европа жанубида яшовчи халқлар киради. Улар суҳбатдошининг елкасига уриб-уриб гапирадилар.

Кенияликлар юздаги ифодадан кўра сўзга ишонадиларми, сўзнинг қудратини афзал кўрадиларми, ким билади дейсиз, ҳар ҳолда донишманд халқ бу нарсани бежиз одат тусига киритмаганлар.

Хуллас, юзда кайфиятни фош этадиган нимадир бўлади. Киши ҳолатига боғлиқ равишда ловуллайди, оппоқ бўлиб оқариб кетади, баъзиларда лаблунжи осилиб, юз мушаклари титраб кетади, дегандай. Аммо қойил қолиш керакки, баъзилар ҳар қандай вазиятда ҳам сир бой бермай юз ифодасини нозиклаштириб, нафислаштириб кўрсата биладилар. Фақат бу дунёда болалар нигоҳигина иккиюзламачилик ва ясамаликдан ҳоли — равшан бўлади.

Шундайку-я, лекин ўзини қўлга олиб, ҳис-ҳаяжонини жиловлай олиш ҳам керак. Айримлар бошига кулфат тушса ҳам, жаҳл чиққанда ҳам юзига чиқармайди. Чидайди. Англияда юзни бошқариш «тарбияси» ишлаб чиқилгани ҳам шундан. Улар оёқлари остида ер қалқиб кетса ҳам нигоҳларидаги осуда ифодани мардонавор сақлаб қоладилар.

Тишни тишга босавериб, ғазабингни ичга ютаверсанг, сиртга чиқмаган нафрат ахийри сени йиқитади. Унинг зил-замбилдай юки ички қувватларингни пароканда қилиб ташлайди, дейди баъзи олимлар. Бунда кишилар турли касалликларга чалинадилар. Юрак безовта қилиши, невроз каби хасталиклар эрта «ташриф» буюради. Шундай йўқотишлар эвазига ўзни қўлга олиш шартмикан. Аммо бошқа олимлар ҳам бўш келмайдилар. Муваффақиятсизликнинг юзига хотиржамлик билан боқсангиз, ишингиз юришиб, мушкулотлар нари бўлмаса ҳам, юздаги ифода билан руҳий ҳолат ўртасида боғлиқлик мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Айтмоқчимизки, кайфият деганлари юздаги ифодага таъсир қилибгина қолмай, ўз навбатида юздаги ифода ҳам кайфиятга ғоят самарали таъсир кўрсатади. Нега десангиз имо-ишора мушаклари мия тузилмалари билан чамбарчас боғланган. Ўзимизни жилмайишга мажбур этиб, табиий табассум механизмини ишга туширамиз. Бунда улар тўла ишга тушмасада қувончга ўхшаш ифодани пайдо этарканмиз, юзимиз ўз-ўзидан ёришиб кетади. Худди шунинг учун ҳам очиқ чеҳра билан, табассум билан боқсангиз ҳаёт ҳам сизга кулиб боқади, дейдилар.

Биз сиз билан юздаги ифодани «ўқиш» санъати — физиогномика ҳақида бироз суҳбатлашиб олдик. Бу санъатга кимсан буюк Аристотель асос солган.

Чиндан ҳам юздаги ифодани ўқиш учун Иноганн Гаспер Лафатер айтганидек «Худо берган иқтидор керак».

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ**

## КУЛГИ БЕКАТИ



*Шифокор мижозни текшириб бўлгач деди:*

*— Азизим, ишончим комилки сиз 90 ёшгача албатта яшайсиз.*

*Мижоз:*

*— Раҳмат, 31 декабрда нақ 90 ёшга тўламан.*

*Шифокор:*

*— Ана, ахир, мен шу ҳақда гапиряпман-да!*

* * *

*Бемор:*

*— Дўхтир, мен касалман.*

*Шифокор:*

*— Афсус.*

*Бемор:*

*— Нега афсусланяпсиз?*

*Дўхтир:*

*— Соғроқ бўлсангиз, тез тузатдим, деб чой пули олиш осон бўларди-да!*

* * *

*Мижоз:*

*— Дўхтир, бошим, мен сизга айтсам, доимо айланиб туради.*

*Шифокор:*

*— Ҳа, мен айланишини яққол кўриб турибман. Ахир бош думалоқда. У квадрат бўлганда эди айланмас эди.*

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ**

## «050»: ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ

### *Тўқнашув оқибатида*

Тунгги соат 3 дан 15 дақиқа ўтганида Мирзо Улуғбек туманидаги Пушкин ва Шаҳрисабз кўчалари чорраҳасида вақтинча ишламайдиган шу тумандаги Қорасув даҳаси, 1-мавзе, 32-«В» уй, 20-хонадонда яшовчи 1967 йилда туғилган Александр Рублев «ЯВА -350» русумли давлат белгиси 10В 035 бўлган мотоциклини бошқариб келаётиб, Ўзбекистон Республикаси электр магнитларини мувофиқлаштириш марказида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Фарҳод Эргашев бошқарувида бўлган «Нексия» русумли давлат белгиси 10 АС 959 автоулови билан қаттиқ тўқнашган. Натижада мотоцикл ҳайдовчиси ва унинг йўловчиси йиқилиб, қарама қарши йўлда келаётган «ВАЗ-21051» русумли давлат белгиси 10Н-0499 бўлган автоулови устига бориб тушган. Йўл транспорти ҳодисаси оқибатида А.Рублев ва унинг шахси аниқланмаган Европа миллатига мансуб йўловчи шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмди.

«ВАЗ-21051» русумли давлат белгиси 10 Н 0499 автоулови ҳайдовчиси, 1975 йилда туғилган Илона Финк ўнг чеккаси ва ўнг қўли лат егани ҳолда, унинг ҳамроҳи 28 ёшли Жанна Осипова чап қовоғи йиртилган ташхиси билан қутқарув хизмати ходимлари томонидан тез тиббий ёрдам клиник касалхонасига ётқизилди.

Содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

### *Нарвон орқали қутқарилди*

Тезкор навбатчилик қисмига Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 5-уй, 40-хонадонда яшовчи Абдуллаевдан шу уйнинг иккинчи қаватида яшовчи қўшнисининг тўрт ёшли фарзанди уйда ҳеч ким йўқлигида дераза четида ўтирганлиги тўғрисида хабар берди. Қутқарувчилар тезда етиб бориб болани нарвон орқали пастга туширдилар.

### *Сув тўхтатилди*

Мирзо Улуғбек туманидаги Буюк Ипак йўли кўчаси, 15-уйда истиқомат қилувчи фуқаролардан 69-хонадондан уйда ҳеч ким йўқлиги туфайли пастки қаватларга сув оқиб тушаётганлиги тўғрисида хабар олинди. Гувоҳлар иштирокида қутқарувчилар томонидан уй эшиги очилиб, сув тўхтатилди.

**Ўткир САИДОВ,**
**Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот котиби.**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Телефон тармоғи абонентлари диққатига!**

42-автомат-телефон станциясида станция анжомларини режали тўла таъмирлаш ишларининг давом эттирилиши муносабати билан 2001 йилнинг 15 ноябрига қадар алоқа сифатининг вақти-вақти билан ёмонлашиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

**Маълумотлар учун телефонлар: 42-17-17, 42-14-00.**

**«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг Собир Раҳимов филиали.**

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан Туран Джапарова номига берилган А 0515284 рақамли тижорат патенти йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яккасарой тумани ёшларининг «Камолот» жамғармасига қарашли бош ҳисоблаш маркази томонидан берилган № 1313-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«OSIVO-FOOD» очиқ турдаги акционерлик жамоаси корхона Кузатув кенгашининг раиси Авазхон Акромович Ғуломовга падари бузрукворлари **Акром отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


## Бу ажиб дунё

### Ўлиб тирилган одам

Мисрлик Али-Абдил-Раҳим Муҳаммаднинг юраги Александрия шаҳрига яқин дарёларнинг бирида чўмилиб юрганида уришдан тўхтаб қолади. Қутқарувчилар ҳушидан кетиб сув тагига чўкиб кетган Абдил-Раҳимни қирғоққа олиб чиқиб, нафас олдиришга қанча уринишмасин, ҳеч натижа чиқмабди.

Дўхтирлар унинг ўлганини маълум қилиб, бир неча соатдан кейин унинг жасадини майитхонага топширишади. Кечқурун марҳумнинг қариндош-уруғлари Абдил-Раҳимни олиб кетишга майитхонага келишади. Майит ётган мис тобутга келиб, унинг қопқоғини очган ҳамшира шу пайтда ўзига совуқ қўлнинг ёпишганини сезиб, «ёрдам берингглар» деб жон ҳолатда ташқарига ўзини отади. Сўнг тобутдан кўм-кўк бўлиб туриб келаётган марҳумни кўриб қўрқиб кетган қариндошлари ҳам қочиб қолишибди.

Маълум бўлишича, Абдил-Раҳим ўлмаган экан. Дўхтирлар уни ўлган дейишиб, майитхонага юборишган экан. Кейин танасига жон кириб – исигач энди қариндошлари сал кеч қолганларида бу ердаги музхонада ростакам ўлишига оз қолган экан.

– Мен эсимни йиққанимда қоп-қоронғу тор қафасда ётганимни билмадим. Менинг ҳиссиётимни муз яхмалак совуқ сергаклантириб юборди. Шунда мен ўзимни тобутда ётганимни сезиб, жинни бўлиб қолай дедим, – дебди ўлиб тирилган Абдил-Раҳим.

Ҳа, шунга айтишар эканда ризқи насибаси узилмаган деб.

### Уйини ташлаб қочибди

Шимолий Ирландияда уруш қатнашчиси Морис Дэвис феъли бузуқ арвоҳдан қўрққанидан Англиядаги уйини ташлаб қочишга мажбур бўлибди. Сабаб, уйга жойлашиб олган ёвуз арвоҳ Дэвисга кундузи ҳам, кечаси ҳам тинчлик бермаган. Бир куни ўша арвоҳ Мориснинг аёлини бўғиб ўлдирмоқчи бўлибди.

Дэвиснинг уйида электр чироқлари тез-тез ўчиб қоладиган, эшиклар ўз-ўзидан очилиб-ёпилиб қоладиган, қўрқинчли товушлар эшитиладиган бўлади.

Бир куни Морис Дэвис дўстларини уйига меҳмонга таклиф қилади. Ўйнаб-кулиб ўтирган меҳмонлар бир пайт стол устида турган мева тўла вазанинг ҳавога кўтарилганини кўриб, баъзилари қўрққанидан ҳушидан кетиб қолибди. Бироздан сўнг ҳавода муаллақ турган ўша ваза ўзидан-ўзи чил-парчин бўлиб, бўлакларга бўлиниб кетибди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан Морис Дэвис Элиза исмли қизга уйланибди. Элиза хоним уйга келган пайтиданоқ бу аёл арвоҳ билан қарама-қарши бўлиб қолади. Бирда Элиза сочини юваётса, орқасидан аллаким келиб итариб, бошини ваннадаги сувга ботирмоқчи бўлади.

Уйда тарелкалар ўз-ўзидан учади. Қулоққа ёқимсиз, кесатиқ кулгу, аччиқ товушлар эшитилади. Чидами тамом бўлган Морис Дэвис охири уйини сотмасдан ташлаб, кўчиб кетади.

Кейинчалик уй бузилади. Сабаби, Морисдан сўнг текин уй, эгасиз том деб бир неча киши ўтирган экан, улар ҳам ёвуз арвоҳларга бардош беролмасдан, уйини ташлаб қочибди, деб ёзибди «Замона» газетаси.

### Чинқирувчи капалак

Ҳа, шундай маҳлуқлар ҳам бўлар экан. Чинқирганида товуши қулоқни қоматга келтирар бу енгил, юпқа қанотли ҳашаротлар қадим замонлардан буён халқлар орасида боқий дунёнинг вакили деб келинган. 1833 йили Зонд қўрфазида Кракатов ёнартоғидан кучли вулқон отилган. Шундан кейин Ява ороли қирғоқларида сон-саноқсиз капалаклар пайдо бўлган. Капалакларни яваликлар: булар ёнартоғ отганда офат бўлганларнинг жони бўлса керак, деб ўйлашган.

Шу сабаб Европада капалаклардан қўрқишган. Улар бу капалакларни «қоқбош» деб аташган. Чунки капалакнинг орқасида ростдан ҳам одамнинг бош суяги тасвирланган сурат борга ўхшайди. Халқ тасаввурида агар бу капалак бемор одам ётган хонага кириб келса, унинг ҳоли мушкуллашган. Бундайлардан Оллоҳ ўзи асрасин дейишган халқда. Агар капалакдан товуш чиқса бундан баттар бўлган. Унинг товуши марҳумнинг жанозасини ўқиш билан баробар бўлган.

«Қоқбош»нинг товуши жуда аччиқ бўлган. У учиб келаётиб ҳам чинқирар экан. Хуллас, бу жумбоқ капалаклар ечимини топгунга қадар тағин бир неча ўн йиллар ўтиши мумкин. Бироқ, бу капалакларнинг биздан фарқи — оғзи билан ҳам, бурни билан ҳам нафас олмаслигида.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2907. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6